БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 18 (17.011). ● 21 январь 1978 йил, шанба ● Баҳоси 2 тийин.

РЕЗЕРВЛАР—БЕШ ЙИЛЛИККА!

СИЁСИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ БОСИБ ЧИҚАРДИ

Сиёсий адабиёт нашриёти КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «1978 йил планини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун курашни кучайтириш тўғрисида» Совет Иттифоқи партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, меҳнаткашларига Мактубини алоҳида брошюра қилиб нашр этилди.

Брошюра кўп нусхада нашр этилди.

(ТАСС).

БАРҲАЁТ ТАЪЛИМОТ

Бугунги тараққиётимиз чўққиларидан туриб ўтган шонли йўлимизга назар ташласак, бунёдкорлик фаолиятимизнинг бой самараларини ва истиқбол режаларимиз мазмунини жамулжам қилсак, қалбларимиз чексиз ифтихор туйғулари билан тўлиб-тошади. Зеро, бу бунёдкорлик фаолиятимиз, порлоқ келажагимиз тўғрисидаги ўй ва фикрларимиз улуғ Ленин даҳоси, у яратган буюк таълимот бўлмиш ленинизмнинг ҳаётбахш ғоялари билан суғорилгандир. Бу ғоялар ўз тарихи ва истиқболини Улуғ Октябрь ғоялари билан, СССР янги Конституцияси билан бойитган улуғ Совет диёри кўпмиллатли халқларининг кундалик амалий фаолиятида ҳар қачонгидан ҳам яққол сезилмоқда.

Коммунистик партиянинг бунёдкори, революция йўлбошчиси, дунёда биринчи меҳнаткашлар давлатининг асосчиси ва социалистик қурилиш ташкилотчиси бўлган Владимир Ильич Ленин ўзининг марксизмга садоқати, социалистик революция, янги жамият қуриш назариясини, янги типдаги партия тўғрисидаги таълимотни ҳар томонлама ривожлантиргаслиги, илм-фан ҳулосаларини халқ оммасининг тажрибаси билан узвий равишда боғлаганлиги билан баҳодирона фаолияти туфайли ишчилар ҳаракати арбоблари шонли туркуми орасида энг улуғ мутафаккир ва революционер сифатида ажралиб туради. Совет кишилари, бутун тараққийпарвар инсоният онги ва қалбидаги жамики порлоқ ва эзгу нарсалар унинг номи билан боғланган.

Улуғ Ленин илғор назарияга амал қилувчи партиямизга илғор курашчи ролини бажара олади, деб таълим берган эди. Ленин васиятларига амал қилаётган КПСС, унинг Марказий Комитети ҳозирги замон жаҳон тараққиётининг, социализм ва коммунизм қурилишининг энг муҳим проблемаларини назарий жиҳатдан пухта ишлаб чиқмоқдалар, революцион фанимизни бойитмоқдалар ва ижодий ривожлантирмоқдалар. Партиянинг жуда катта ва самарали назарий фаолияти унинг съездлари, КПСС Марказий Комитети Пленумлари материалларида ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Ленининг таълимоти ва иши абадий барҳаётдир. Революцион тафаккур ва революцион ҳаракат даҳоси бўлган Ленин ўзи барпо этган партиянинг ишларида яшамоқда. Коммунистларнинг авлодлари Ленин ғояларига амал қилиб, унинг юксак намунасидан илҳомланиб курашдилар ва ғалаба қозониб келмоқдалар.

«Ленин, — дейди ўртоқ Л. И. Брежнев, — революциямизнинг байроғи, партиямизнинг асосчиси, дунёда биринчи социалистик давлатнинг бинокори бўлганлиги учунгина бизга азиз бўлиб қолмай, унинг ўткир ижодий заковати ва енгилмас мантиқи, анализнинг теранлиги ҳамда хулоса ҳаракатларининг дадиллиги, унинг беқиёс жўшқин революционерлиги ва шу билан бирга улуғвор инсонийлиги, камтарлиги ва сезгирлиги — ана шуларнинг ҳаммаси ҳаётда бизга мезон, ҳозирги ишларда бебаҳо таянч ва мадад кучи бўлиб келганлиги ва шундай бўлиб қолиши учун ҳам ва эҳтиромлки, айниқса шунинг учун ҳам у бизга азиз ва мўътабардир».

Ленин мамлакатимиз олға томон ҳаракатининг муҳим босқичи бўлмиш КПСС XXV съезди қарорларида, атоқли марксчи-ленинчи, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюросининг тинимсиз самарали фаолиятида яшамоқда. Ленин Совет давлатининг ўсиб бораётган қудратида, халқимизнинг буюк зафарларида яшамоқда.

Совет кишилари сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратининг тобора ўсиб бораётганлиги — воқелигимизнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. «...омма ичида, — деган эди Ленин, — тасаввур қилиниши мумкин бўлганидан кўра кўп даражада ғоят катта қобилият борлигини кўрсатадиган жуда кўп жонли кучлар бор». Жамиятимиз тараққиётини тезлаштирувчи бу куч — ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг ақл-заковати, жўшқин меҳнат ғайрати шонли партиямизнинг буюк режаларига доимо ҳамоҳангдир.

Яқинда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети 1978 йил планини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун курашни кучайтириш тўғрисида Совет Иттифоқи партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, меҳнаткашларига Мактуб орқали мурожаат қилдилар.

Учинчи беш йилликнинг учинчи йили учун амалий иш дастури бўлган КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил декабрь Пленуми қарорлари, СССР Олий Советининг тўқкизинчи чақириқ саккизинчи сессияси материаллари ва бу Мактуб мазмун жиҳатидан ҳам, даъваткор кучи жиҳатидан ҳам бизнинг совет воқеалигимизда қатъий қарор топган ленинча анъанага тўла мос бўлиб, партиямиз томонидан қўйилган социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этишга, бинобарин совет халқи фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

Улуғ Ленин ғояларининг тантанасини, шу буюк ғояларнинг қонуний ва ҳаққоний давомчиси шонли КПССнинг бой назарий ва амалий фаолияти самараларини бутун мамлакатимиз миқёсида, жумладан республикамизда айниқса яққол сезиб турибмиз. Ленинча миллий сиёсат, халқлар дўстлиги, пролетар интернационализми ғоялари тўла тантана қилган Ўзбекистон меҳнаткашлари мамлакатимиздаги барча қардош халқлар билан бир сафда туриб, коммунизмнинг нурафшон йўлидан бормоқдалар. Республикамизнинг ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, зиёлилари фан-техника тараққиёти даврига хос бўлган ташаббускор меҳнатлари билан улуғ Ватанимиз хазинасига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Коммунистик жамиятни барпо этиш жараёнида кишиларни ҳар жиҳатдан камол топтириш аҳамияти тобора ўсиб бормоқда. Бугунги кунда партиямизнинг идеология соҳасидаги фаолиятининг бутун мазмуни халқимизни Ленин ғоялари ва васиятлари, коммунизм руҳида, ҳар бир совет кишисида юксак аҳлоқий фазилатларни шакллантириш ва уни янада ривожлантириш руҳида тарбиялашга қаратилган. Бинобарин, партиямизнинг бу борадаги кучғайрати В. И. Ленининг, коммунизм меҳнаткашлар оммасининг ўз жонажон иши бўлиб қолмоғи керак, деган таълимотини чуқур сингдиришга қаратилгандир.

В. И. Ленин социалистик, чинакам тинчликсевар ва демократик ташқи сиёсатимизнинг мустаҳкам асосларини яратиб берди. Бу ленинча ғоялар КПСС XXIV съезди томонидан ишлаб чиқилган ва ҳозир жаҳондаги барча тинчликсевар кучларнинг шиори бўлиб қолган Тинчлик программасида янада ривожлантирилди. Бу программа ер юзидаги барча халқларга мустаҳкам тинчлик, дўстлик ва биродарлик бағишлаш, империализм ва реакцияга, урушга қарши кураш олиб бораётган кучларни бирлаштиришга фаол хизмат қилмоқда.

КПСС ва бутун совет халқининг абадий барҳаёт Ленин ишига, ленинизм буюк ғояларига чексиз садоқати — коммунизм учун курашимизнинг илҳомбахш манбандир.

Уйчи районидаги «Гулистон» совхозининг ремонтчи механизаторлари ҳамма маркадаги механизм-агрегатларни сифатли ремонтдан чиқармоқдалар. Яқин кунларда бу муҳим иш ниҳоясига етказилади. Суратда: механизатор Неъматжон Тожибоевни кўриб турибсиз. У ўзи бошқарадиган трактор ремонтини барвақт тугаллаб, ҳамкасб дўстларига ёрдам бермоқда.

А. ТУРАЕВ фотоси.

Урта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли колхоз чорвадорлари қишловни уюшқоқлик билан ўтказмоқдалар. Бош чўпон Эргаш Нодиров отаридаги ҳар юз бош жайдари қўйдан 125 тадан соғлом қўзи олишга сўз берди. Совлиқлар қўзилай бошлади. Суратда: бош чўпон Э. Нодиров.

Г. Пун ва И. Чернов фотоси. (ЎзТАГ).

ЮКСАК АКТИВЛИК

Ўзбекистон пойтахтининг корхоналарида КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубига бағишланган митинглар юксак активлик вазиятида ўтмоқда. Митинглларнинг қатнашчилари мингмингглаб меҳнаткашларнинг иродасини ифода этиб, ҳар бир меҳнат коллективи учун конкрет ҳаракат программаси бўлган бу жуда муҳим ҳужжатни қизғин маъқуллаб, қўллаб - қувватлаётганликлари тўғрисида гапирмоқдалар.

Юбилей йилида эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, беш йиллик учинчи йили планлари ва мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун мусобақани янада кенг авж олдириш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун курашни кучайтириш ҳозирги вақтда бош вазифа эканлиги митингларда таъкидлаб ўтилди. Ҳар бир иш жойида аниқ маромни таъминлаш зарурлиги алоҳида уқтирилди. Илғорлар тажрибасини кенг оммалаштириш, мавжуд резервлардан фойдаланиш коллективлар муваффақиятли ишлашининг муҳим манбаидир. Юксак самарадорликка эришиш — маҳсулот сифатини муттасил яхшилаш, хом ашё, материаллар, ёқилғи, электр энергиядан оқилона фойдаланиш демакдир.

Митингларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари: тўқимачилик комбинатида — Л. И. Греков, «Миконд» заводида М. М. Мусахонов, трактор заводида — Т. Н. Осетров, «Ташинжстрой» трестида — О. У. Салимов нутқ сўзладилар.

Митингларда қабул қилинган резолюцияларда меҳнат коллективларининг беш йиллик учинчи йилини меҳнатда янгидан-янги ютуқлар билан, КПСС XXV съезди қарорларини муваффақиятли адо этиш билан нишонлаш учун ҳамма ишни бажаришга тайёр эканликлари изҳор қилинган (ЎзТАГ).

МАКТУБГА АМАЛИЙ ЖАВОБ БИЛАН

Ўзбекистон корхоналари, қурилишлари, колхоз ва совхозларида митинглар, йиғилишлар ва суҳбатлар ўтказилмоқда. Буларда меҳнаткашлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1978 йил планини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун курашни кучайтириш тўғрисида Совет Иттифоқи партия, совет, хўжалиқ, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, меҳнаткашларига мактубини қизғин маъқулламоқдалар ва қўллаб-қувватламоқдалар.

«Каршинефть» бошқармаси меҳнатчиларининг митингида Помуқ ва Шимолий Уртабулоқ нефть конларини муддатидан илгари ўзлаштириш, пландан ташқари уч миллион сўмлик маҳсулот чиқариш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилинди.

— Ҳозирги вақтда энг муҳими, — дейди коммунист Ш. Воҳидов, — ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ишнинг аъло сифати учун, катта ва кичик — ҳамма ишда тежамкорлик учун мусобақани кенг авж олдириб юборишдир. Мен бошчилик қилаётган автомобиль колоннасининг коллективи партия даъватига жавобан ҳар бир кварталнинг охирида бир кун тежалган ёнилғи ҳисобига ишлашга аҳд қилди.

Попдаги «Узбеккровля» комбинатининг коллективи беш йилликнинг учинчи йилини яхши бошлади.

— КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукумати, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактуби, — дейди илғор комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи Н. Мацолла, — бизни бир маромда ишлашга, ҳар бир коллективнинг план ва мажбуриятларни бажаришига эришишга даъват этмоқда. Қолоқларсиз ишлаш — бу соҳада муваффақиятга эришиш гаровидир. Бизда нормани бажармайдиган кишилар бўлмайди. Шу йўл билан биз смена иш унумини 5 процент оширамиз. Коллектив ана шунга қарор қилди.

(ЎзТАГ).

ЮК ТАШИЙДИГАН АВТОМАТ ТРАНСПОРТ КЕМАСИ «ПРОГРЕСС-1» УЧИРИЛДИ

ТАСС АХБОРОТИ

1978 йил 20 январь куни Совет Иттифоқида юк ташийдиган автомат транспорт кемаси «Прогресс—1» учирилди.

Киши бошқарадиган «Союз» космик кемаси базасида яселган автомат кема орбитал илмий станцияларнинг узоқ вақт ишлаб туришини таъминлаш борасида транспорт ишларини бажариш учун мўлжалланган.

«Прогресс—1» кемасини учиришдан мақсад:

— юк ташийдиган янги автомат транспорт кемаси борт системалари ва ускуналари конструкциясини синаш ва комплекс равишда пишиқтириш;

— киши бошқарадиган «Салют—6» — «Союз—27» орбитал комплекс билан туташтириш;

—комплекс бортига двигатель установкалар ёқилғиси ва ҳар хил юкларни: экипаж ҳаёт фаолиятини таъминлаш ва илмий тадқиқотлар ҳамда экспериментлар ўтказишда ишлатиладиган ускуналар, аппаратлар ва материалларни етказиб беришдан иборат.

«Прогресс—1» кемаси параметрлари қуйидагича бўлган орбитага чиқарилди:

— Ер юзидан максимал олислиги 262 километр;

— Ер юзидан минимал олислиги 194 километр;

— айланиш даври 88,8 минут;

— оғиши 51,6 градус.

Телеметрик информация маълумотларига кўра, «Прогресс—1» кемасининг ҳамма системалари нормал ишлаб турибди.

ЙИЛЛИК ПЛАН— МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

СССР 50 ИЙЛЛИГИ НОМЛИ АНДИЖОН «ЭЛЕКТРОДВИГАТЕЛЬ» ЗАВОДИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1978 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

СССР 50 йиллиги номли Андижон «Электродвигатель» заводининг коллективи КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига йўллаган Мактубига конкрет ишлар билан жавоб қайтаришга интилиб, қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилади:

— ишлаб чиқариш хажми юзасидан беш йиллик уч йили планини 1 декабргача бажарамиз ва планга қўшимча равишда 500 минг сўмлик маҳсулот реализация қиламиз;

— маҳсулот реализация қилиш йиллик топшириғини муддатидан илгари, 20 декабргача адо этамиз. Йиллик пландан ташқари 200 минг сўмлик маҳсулот реализация қиламиз, 800 та электродвигатель ишлаб чиқарамиз. Планга қўшимча 30 минг сўм фойда оламиз;

— ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш, моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларини тежаб-тергаб сарфлаш, асосий асбоб-ускуналарнинг сменалик коэффициентини кўтариш ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини янада оширишни таъминлаймиз. Ишлаб чиқариш ҳажмини 1977 йилга нисбатан камида 6 процент кўпайтирамиз.

— яна уч хил электродвигателга давлат Сифат белгиси берилишига эришамиз ва Сифат белгиси қўйилган маҳсулот улушини умумий ҳажмнинг 85 процентига қадар етказамиз;

— ишлаб чиқариш илғорларининг тажрибасини жорий этиш асосида бир йил мобайнида 40 минг киловатт соат электр энергияни, 10 тонна қора металлни, 0,3 тонна рангли металлни тежаб қоламиз ва рационализаторлик таклифлари ҳамда ихтиролларни жорий этишдан камида 50 минг сўмлик иқтисодий самара оламиз;

— КПСС XXV съезди билан КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленуми ишлаб чиқаришни техника жиҳатидан қайта қуроллантириш, маҳсулот сифатини яхшилаш соҳасида ўртага қўйган вазифаларни ҳал эта бориб, 4А-100 электрошчитларига ишлов берувчи агрегат станокларини комплектлаш юзасидан бир канча тадбирларни, статор ўзакларига термик ишлов берувчи автомат линияни, станиналар, шчитлар, валлар, роторларга ишлов берувчи автомат линияларни жорий этиб, бунинг натижасида кўл меҳнати салмоғини 0,85 процент камайтирамиз; уч хил янги электродвигателларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирамиз ва янги техникага доир тадбирларни жорий этишдан 1,7 миллион сўм маблағни тежаб қоламиз;

— ишлаб чиқариш малакасини оширамиз, 180 кишини иқтисодий таълимга жалб этамиз, 90 нафар янги ишчи тайёрлаймиз.

Мажбуриятлар СССР 50 йиллиги номли Андижон «Электродвигатель заводи коллективининг умумий йиғилишида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

МАРҒИЛОН «АТЛАС» АВРЛИ ГАЗЛАМАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ 1978 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Марғилон «Атлас» аврли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленумида сўзлаган нутқида баён этилган қоида ва хулосаларга амал қилиб, жонажон Коммунистик партиянинг 1978 йилни зарбдор меҳнат йилига айлантириш тўғрисидаги даъватига амалий ишлар билан жавоб беришга интилиб, ўз зиммасига қуйидаги социалистик мажбуриятларни олади:

— маҳсулот реализация қилиш йиллик планини муддатидан илгари, 21 декабрда бажарамиз;

— Йиллик планга қўшимча равишда 4,5 миллион сўмлик, шу жумладан мукобил план юзасидан 4 миллион сўмлик маҳсулот реализация қиламиз;

— 180 минг квадрат метр тайёр шойи газлама ишлаб чиқарамиз;

— меҳнат унумдорлигини 1978 йилга мўлжалланган йиллик планга нисбатан 2,4 процент оширамиз;

— пландан ташқари 100 минг сўм фойда оламиз;

— Сифат белгиси қўйилган маҳсулот салмоғини ишлаб чиқариш ҳажмини 8,8 процентга етказамиз;

— 85 минг сўмлик иқтисодий самара берадиган 65 рационализаторлик таклифини жорий этамиз;

— 330 та янги технология асбоб-ускунасини ўрнатамиз;

— хом ашё ва материалларни тежаш ҳисобига 200 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарамиз;

— 470 нафар янги ишчи тайёрлаймиз ва 975 ишчининг малакасини оширамиз.

Мажбуриятлар «Атлас» бирлашмаси ишчилари, инженерлари ва техниклари коллективининг йиғилишида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

«САЛЮТ—6»: ОРБИТАДА ЭКСПЕРИМЕНТЛАР

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 20 январь. (ТАСС). Космонавтлар Юрий Романенко билан Георгий Гречконинг орбитада олтинчи иш ҳафтаси тугамоқда.

Кечаги кунниг кўп қисми илм-фан ва халқ хўжалиги манфаатлари йўлида Ернинг фотосуратини олишга ажратилганди. Экипаж МКФ-6М кўп зонали фотоаппарат ёрдами билан Урта Осиё республикалари, Козоғистон, Крим, Қуйи Поволжье, Жанубий Урал ва Украинанинг айрим районлари фотосуратини олди. Туштан кейин станция Германия Демократик Республикаси территорияси устида учаётганида суратлар олинди.

Бугун экипаж медицина экспериментлари кунини ўтказаётир. Тадқиқотлар организмнинг кўникиш жараёнлари динамикасини ўрганиш ҳамда узоқ муддатли ишда космонавтлар сиҳат-саломатлигини прогноз қилиш мақсадида ўтказилмоқда. Қон айланиш системаси, юрак қон-томир системасини комплекс равишда тадқиқ этиш ва бошқа экспериментлар қуннинг программасига киритилган.

Телеметрик ахборот маълумотлари ҳамда космонавтларнинг докладларига кўра Романенко ва Гречко ўртоқлар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар. Станция ичидаги системалар ва илмий аппаратлар нормал ишлаб турибди. Киши бошқараётган «Салют—6» илмий станциясининг орбита бўйлаб учиши давом этмоқда.

ЭНГ ЧИРОЙЛИ КИТОБ УЧУН КОНКУРС

СССР Министрлар Советининг Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети, маданият ходимлари касаба союзи марказий комитети билан полиграфия ва нашриётлар илмий-техника жамияти марказий правленияси «Китоб санъати» XIX Бутуниттифоқ конкурсини эълон қилди. 1977 юбилей йилининг нашрлари, шунингдек оммавий нашрлар, юксак бадиий-эстетик савияда илғор технологияни қўллланган ҳолда босмадан чиқарилган китоблар конкурсга қўйилади.

Конкурс якунлари шу йил апрель ойининг бошида чиқарилади. Энг яхши китоблар диплом ва мукофотлар билан тақдирланади.

(ТАСС).

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

20 январь куни республика Фанлар академиясида фан ва техника соҳасида 1977 йилги Беруний номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотларини тантанали топшириш маросими бўлди. Тўртта тадқиқот группалари актуал илмий ва халқ хўжалик проблемаларини ишлаб чиққанлиги учун шу мукофотларга сазовор бўлганди.

Беруний номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитетининг раиси, республика Фанлар академиясининг президенти академик О. С. Содиқов лауреатларга дипломларни ва кўкракка тақиладиган нишонларни топширди.

Мукофотланганлар олимлар тўғрисида катта ғамхўрлик қилаётганликлари учун партия ва ҳукуматга самимий миннатдорчилик билдиридилар, уларнинг тадқиқот ишларига берилган юксак баҳо илмий изланишларни янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришга рағбатлантиради деб ишонтирдилар.

СУҒОРИШ ШОХОБЧАЛАРИНИ ШАЙЛАНГ!

Республика областларида суғориш ва коллектор дренаж шохобчаларини тозалашнинг бориши тўғрисида шу йил 20 январга бўлган МАЛЪУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — хўжаликлараро суғориш шохобчаларини тозалаш; учинчи устун — ички хўжалик шохобчаларини тозалаш (топшириққа нисбатан процент ҳисобида).

Тошкент	101,7	81,8
Хоразм	85,3	97,8
Самарқанд	82,8	90,5
Сурхондарё	82,5	59,6
Сирдарё	79,2	78,5
Андижон	78,0	73,7
Наманган	74,3	66,0
Бухоро	69,5	82,1
Қашқадарё	66,9	96,2
Жиззах	63,6	102,2
ҚҚАССР	61,1	60,9
Фарғона	51,5	57,5
Республика бўйича	73,6	70,0

ШЎР ЮВИШ ВА ЯХОБ БЕРИШНИНГ БОРИШИ

20 ЯНВАРГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар, иккинчи устун — бир кунда шўри ювилган майдон; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — бир кунда яхоб берилган майдон, бешинчи устун — мавсум бошидан буён (топшириққа нисбатан процент ҳисобида).

Тошкент	—	100,0	0,8	96,8
Андижон	0,3	93,4	—	83,8
Жиззах	2,1	90,6	1,0	51,5
Наманган	0,8	77,2	—	42,4
Сурхондарё	—	72,7	0,1	83,5
Сирдарё	1,3	71,7	—	70,5
ҚҚАССР	—	51,7	—	—
Бухоро	1,0	43,3	—	—
Самарқанд	1,0	40,0	—	26,5
Фарғона	0,8	37,2	0,2	43,3
Хоразм	0,3	29,4	—	—
Қашқадарё	1,6	28,7	—	14,8
Республика бўйича	0,5	45,1	0,2	50,4

ЛЕНИНИЗМ — ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗИМИЗ

БУЮК МЕРОС

«Владимир Ильич Ленининг асарларини омма орасида кенг ёйиш унинг учун энг яхши ёдгорлик бўлади. Бу — коммунизм идеалларини барча меҳнаткашларнинг мулкига айлантиради».

1924 йилнинг январида жаҳон пролетариатининг доҳийси В. И. Ленин вафоти ҳақидаги хабар киши қалбини чуқур ларзага келтирган чоғда Советларнинг II Бутуниттифоқ съезди ана шундай мазмунда қарор қабул қилди.

Ленин партияси ва унинг Марказий Комитети доҳий асарларини кўз қорачиғидек авайлаб асраш ҳамда уни кенг ўқувчилар оммасига етказиш тўғрисида доимо ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда. КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтида В. И. Ленин асарлари сектори ва Марказий партия архивида Ленин фонди мавжуд. Уларда Ильич асарлари ва тарихий ҳужжатларини ўрганиш ва тўплаш ишлари кенг кўламда олиб борилянти.

ЮНЕСКО маълумотларига кўра, турли мавзуларга бағишланиб ҳар йили ўн миллиард нусхадан кўп китоблар нашр этилмоқда. Асарлари жаҳон халқларининг тилларига таржима қилинган муаллифларнинг рўйхати тузиб чиқилган. У В. И. Ленин номи билан боғланади. Доҳий асарлари 130 дан зиёд тилга таржима қилинган.

Бизнинг Ватанимизда В. И. Ленин асарлари биринчи нашри Владимир Ильич ҳаёт чоғида бошланди. Бу ҳақда партия IX съезди (1920 йил) махсус қарор қабул қилди. Доҳий асарларини кенг кўламда ўрганиб, уни нашр эттириш соҳасидаги улкан иш 1926 йилда якунланди. Меҳнаткаш омма ва Ильичга ҳурмат-эҳтиром билан қараган ҳар бир тараққийпарвар инсон кўлига доҳийнинг ўлмас асарлари 20 томли мажмуаси тегди.

В. И. Ленин асарларининг иккинчи ва учинчи нашрлари 1925—1932 йиллар мобайнида чоп этилди. Бу нашрларнинг ҳар бири ўттиз томдан иборат бўлди. Кейинчалик В. И. Ленин асарларининг 35 томлик нашрини тайёрлашга киришилди. 1941 йили унинг биринчи томи босмадан чиқди. Ленин Улуғ Ватан уруши йилларида бу иш вақтинча тўхтаб қолди. 1950 йилда Ильичнинг жуда кўп доҳиёна асарларини ўз ичига олган тўртинчи нашр ишлари муваффақиятли тугалланди.

КПСС Марказий Комитети 1957 йил январь ойида В. И. Ленин асарларининг янги, тўла тўпламини нашр этиш ҳақида қарор қабул қилди. В. И. Ленининг улкан меросини мазкур тўпламга киритиш зарур ва муҳимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. 1965 йили В. И. Ленининг 55 томлик асарларининг тўла тўпламини нашр этиш тугалланди. Айни вақтда Ильичнинг мақола ва нутқлари, суҳбат ва хатлари, ёзишма ва топшириқларидан иборат алоҳида тўпламлари ҳам чоп этилди.

В. И. Ленин асарларини бутун жаҳон аҳли ўқимоқда, ундан таълим олмоқда. Ҳақиқат учун курашда маёқ сифатида у билан қуроллан-моқда! Ҳа, шундай деб баралла айтиш фахрлидир. Европа. Осиё Лотин Америкаси ва Африка қитъаси мамлакатларида Ленин асарлари, унинг биографияси ҳар йили жуда кўплаб нусхада нашр этилмоқда. В. И. Ленин асарлари капиталистик мамлакатларда ҳам босилиб чиқмоқда. Нью-Йорк. Лондон. Торонто шаҳарларида доҳий асарлари инглиз тилида эълон қилинди. Япон тилида В. И. Ленин асарларининг русча тўртинчи нашридан 41 томлик мажмуаси чиқди.

Бепоён Ватанимизнинг иттифоқдош республикаларида В. И. Ленин асарлари кўплаб нусхада нашр этилмоқда. Ҳозир мамлакатимиздаги ҳар бир миллат ва элат доҳийимизнинг буюк, қудратли меросини ўз она тилида ўқимоқда. Айниқса, совет кишилари В. И. Ленин биографиясини севиб ўқиётганликларини зўр мамнуният билан айтиб ўтиш даркор.

Совет Ўзбекистонида ҳам доҳийимизнинг бой меросини ўрганиш ва нашр этиш соҳасида катта муваффақиятларга эришилянти. Бу борада — КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтининг филиали — Ўзбекистон Компартияси ҳузуридаги Партия тарихи институти ходимларининг хизматлари жуда катта.

В. И. Ленин Тўла асарлар тўпламининг русча бешинчи нашридан таржима ишлари давом этмоқда. Доҳийнинг классик асарлари — «Нима қилмоқ керак», «Фалсафа дафтарлари», «Материализм ва эмпириокритицизм», «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари» ва бошқа кўплаб мақолалари, адабиёт ва санъатга оид асарлари, Туркистон республикаси халқларига ёзган мактублари ва декретлари тўплами ўзбек китобхонлари жавонидан жой олган.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев таъкидлаганидек, асарлари В. И. Ленин асарларидек кўп тарқалган одам ер юзида бўлган эмас ва йўқ. Ҳамма мамлакатларнинг, ҳамма қитъалардаги кишилар бу асарларни ўқимоқдалар, яшаш ва курашишни шу асарлардан ўрганмоқдалар.

Чиндан ҳам В. И. Ленининг доҳиёна башорат сўзларини Ер курраси ўқимоқда. Унинг йўлчи юлдуз асарларининг илҳомбахш кучи инсониятнинг порлоқ келажаги — коммунизм сари бошлаб бормоқда.

С. ҲАМИДОВ.

В. И. ЛЕНИН ҲАҚИДА ХОТИРАЛАРДАН

Владимир Ильич ўз ирода кучини, шунингдек самимийлиги ва одамларга меҳрибонлигини ўз онасидан мерос қилиб олган эди.

Н. К. КРУПСКАЯ.

* * *

Владимир Ильич дилида ўз фикрига тўла ишонган, ғоят мустаҳкам иродали бўлишига қарамасдан ўзини жуда кибрсиз ва камтар тутарди.

Г. М. КРЖИЖАНОВСКИЙ.

* * *

Ҳаётни чуқур ўрганиш, доимо халқ ичига кириб ишлаш, меҳнаткашларнинг нимага қизиқишларини ва талабларини яхши билиш, омманинг жуда бой тажрибасини эгаллаш керак — Владимир Ильич Ленин бизга тинмай ана шундай таълим бериб келди.

Е. СТАСОВА

* * *

Ленининг ҳаётга бўлган ва равшан ифода этилган иродаси ва турмушдаги қабиҳ нарсаларга аччиқ нафрати мени ҳайратда қолдирар, мен унинг ҳамма ишни чечанлик билан бажаришини кўриб роҳатланар эдим. Унинг одатдан ташқари ишчанлиги мени қойил қолдирар эди. Унинг ҳаракатлари енгил, дадил ва ихчам эди, лекин унинг кучли кўл ҳаракатлари, сўзи оз бўлса-да жуда бамаъно нутқига жуда мос тушар эди.

М. ГОРЬКИЙ.

* * *

Октябрь революциясидан сўнг В. И. Ленин Совет ҳукуматининг бошлиғи бўлиб, унинг номи бутун дунёдаги миллионларча меҳнаткашларга маълум бўлиб қолганидан сўнг ҳам у жуда камтар ва ғамхўр ўртоқлигича қолаверди, у бошқа ходимларнинг фикрларига жуда катта эътибор билан қарар эди. Ленин партиянинг коллектив раҳбарлик принципларини ишлаб чиқиб, ўзи ҳам бу принципларга қатъий риоя қиларди.

Г. И. ПЕТРОВСКИЙ.

Украин адиби В. В. Каннвец қариб йигирма йил мобайнида В. И. Ленин ва унинг ота-онаси, ака-укалари ҳаётини, жўшқин ижтимоий фаолиятини пухта ўрганди. Унинг «Ажойиб кишилар ҳаёти» серияси босилиб чиққан «Александр Ульянов» китоби кенг ўқувчиларга манзур бўлган эди. Адибнинг «Ульяновлар» романи Т. Г. Шевченко номли Украина ССР Давлат мукофотига сазовор бўлди. Қуйида шу асардан парча эълон қилаётирмиз.

Владимир КАНИВЕЦ.

УЛЬЯНОВЛАР

Матвей Леонтьевич* Анянинг қисматига бефарқ қаролмасди. Мария Александровнанинг ўзи ҳам оёқда зўрга турибди. Кейинги пайтда у ўзига-ўзи алланималарни гапирадиган бўлиб қолгани ҳам уни ташвишга солиб қўйди. Песковский Александр Ильич билан сўнгги учрашувида Мария Александровна эс-ҳушини йўқотиб қўйяпти. деб бўрттириб айтган бўлсада, энди ўзи ҳам саросимага тушиб қолди. Унинг сочлари қордек оқариб кетган, кўзлари шундай жовдирардики, Песковский, яхшиси, унга қарамасликка интиларди. Мария Александровна келиб кетган куни у хотинига бундай деди:

— Катя, кўряпсанми унинг кўзларини?

— Менга тикилганида аъзойи-баданим музлаб кетди, — деди Екатерина Ивановна. — Унга қандай раҳмим келганлигини билсанг эди, бечора! Унга бир амаллаб ёрдам бериш керак, ақалли Аняни турмадан озод қилиш керакмиди. Чунки, у Анянинг қисмати ҳал бўлмагунча уйига қайтмайдиганга ўхшайди. Адолатсизликни қара! Аня мутлақо айбсиз деб исботланган бўлса ҳам, ҳамон турмада ушлаб туришибди.

— Ҳали буниси ҳолва! Яна беш йил Сибирда яшашга тўғри келади. — деди Матвей Леонтьевич. — Сибирь сургунини Кокушкино билан алмаштириш ҳақида арзнома бериш керакмикан деб ўйлаб турибман.

— Жуда тўғри фикр, бундан ортиғини ўйлаб ҳам бўлмайди.

— Эртагаёқ Дурновога бориб, у билан гапиришиб кўраман. У Александр Ильичнинг ҳеч қанақа тузоққа илинмаётганини кўриб, жаҳл отига минаётган бўлса-да, ақл-идрокини, хулқ-одобини ва ниҳоят қатъийлигини билиб, тан бермай иложи қолмаяпти. Кимдир бутун сирни алгов-далгов қилиб очгудек бўлса, бу прокурорлар, терговчилар, департамент директорларининг оғзи қулоғига етган бўларди. Аммо, барибир, қалбларининг аллақаерида иродасизларга нафрат билан қарашади. Дурновонинг яхши кайфиятини пойлаб туриб, ҳузурига кириб чиқиш керак.

— Балки арзнома юбориш лозимдир?

— Йўқ, ўзим бормасам бўлмайди. Акс ҳолда, арзнома идоранинг аллақайси бурчагида бир умр қолиб кетади, — Матвей Леонтьевич хўрсиниб қўйди. — Қани, яна бир уннаб кўрай-чи, очиғини сенга айтсам, Катя, ўшоққа боришга ўзимнинг ҳам оёғим тортмаяпти.

Бу гал Песковский Анянинг Сибирга сургунини Кокушкино қишлоғига алмаштиришга Дурновони рози қилолди. Аняни онасининг кафиллигига бериб, турмадан чиқаришди. Шу куниёқ улар вокзалга ошиқишди. Уларни фақат Песковскийлар кузатиб қўйишди. Екатерина Ивановна ёзда Кокушкинога боришга ваъда берди. У опаси Мария Александровнани ҳам, Аняни ҳам чин қалбдан севар, шу боисдан улар билан хайрлашаркан, кўз ёшларини тиёлмади. Мария Александровна ҳамма ҳаракатлари учун Песковскийлардан миннатдор эди. Ахир, улар ҳам Симбирскдаги бошқа «дўстлари» сингари юз ўгирганларида борми, шу дахшатли кунларда кимга кўнглини ёзишни ҳам билмаган бўларди.

Поезд жилди. Мария Александровна вагон деразасига қараб қолди. Узоқлашаётган шаҳар узра қуёш нурида Петропавловск қалъасининг заррин найзаси ялтирарди. Ана ўша ерда унинг Сашаси қолянти. Кўзи жиққа ёшга тўлиб келди. Аммо уни яшириб, кўзини деразадан олди...

Мария Александровна Аня билан Симбирскка кечқурун қайтиб келишди. Дарвоза ёпиқ бўлганидан, улар ҳеч кимни безовта қилмаслик учун ҳовли томондан ўтишди. Уларни биринчи бўлиб ўз хонасида ўтирган энага кўра солиб, чопиб келиб қучоқлашга кетди. Энаганинг йигисини эшитиб қолган Володя хонасидан югуриб чиқиб:

— Онажон, Аня! — дея хитоб қилди.

Кўришишга улгуришмаган ҳам эдики, иккинчи қаватдан ички кийимда Оля, Митя, Маняшалар ҳам пиллапояни дукурлатиб, югуриб чиқиб қолишди. Шу куйи оналарига чирмашиб олишди. Кейин Аняга ўзларини отишди. Бақириб-чақиришар, йиғлашар, қулишарди...

Ҳамма тинчиганидан ва хонага кирганидан кейин энага Мария Александровнага ёруғда тикилиб қаради-да, қўлларини ёзди:

— Мария Александровна, сочларингиз жуда оқариб кетибди-ку...

— Оқариб кетди, Варвара Григорьевна, лекин Сашани барибир қутқаролмадим...

— Мен биламан, — деди Маняша, — Сашани ҳам худди отамга ўхшаб ерга кўмишди.

— Маняша, бирпас жим турсанг-чи! — Сингилчасига дакки берди Володя онасининг лаблари титраб кетганини кўриб. — Аня, ўтир, нимага худди вокзалдагига ўхшаб тик турибсан, — онасига ва Аняга стуллар келтириб қўйди Володя. — Биз ҳозир энага билан самовар қўйиб юборамиз.

— Раҳмат, Володягинам, — деди Мария Александровна. — Чой ичмасам бўлмайди, аъзойи-баданим музлаб кетяпти...

— Вой, худойим-ей, Анечка, улар сени нима қилиб қўйишди... — Худди ўш болани эркалагандай Аняни ардоқлади энага. — Худди дор тагидан қутқариб олинганга ўхшайсан-а.

— Ҳечқиси йўқ. — қўл силтади Аня, чўп бўлиб сарғайиб кетган чеҳрасига тасбассум югуртишга интилиб, — ўтиб кетади. Лекин Саша...

— Бўлди, энди ҳадеб чўзаверманглар, — деди қатъий Мария Александровна. — Ўтган ишга салавот. Ўзингнинг ишларинг қалай, Володя?

— Учта имтиҳонни топширдим. Ҳаммаси беш.

— Мен ҳам нуқул беш олдим! — деди Оля.

— Менда ҳам деярли ҳаммаси беш, — қўшимча қилди Митя.

— Гимназияга борганимда мен ҳам нуқул беш оламан! — онасини ишонтирди Маняша.

— Ҳаммангиздан хурсандман, болаларим. Айниқса, сендан, Володя! Ахир, сен энди университетни ўйлашинг керак. Қозон университетига кирасан. Азизларим, умуман биз Симбирск билан хайрлашиб, Қозонга жўнашимизга тўғри келади. Бу ҳақда, Володя, сен билан яна гаплашармиз. Ҳозир эса бир ювиниб олай-чи...

Анянинг силласи қуриб қолган эди. Шунга қарамай, онаси қанча илтижо қилмасин, хонада ётишни истамади. Камерада ҳам фақат деворларни кўравериш жонига тексанлигини айтди. Ҳаво исиб қолган эди, кун бўйи боғда юрди. Маняша ундан бир қадам ҳам нари силжимади. Белгиланган программадаги машғулотни бажариб бўлиб, Володя ҳам етиб келди. Шундан кейин Маняшани онанинг ҳузурига юбориб, Саша ҳақида гаплашишди. Володя Аниядан ишнинг бутун тафсилотларини, Сашанинг дўстларини сўраб-суриштирди. Айниқса, уларнинг подшони ўлдириб, ўз мақсадларига етмоқчи бўлганликлари, мақсадларига етганларида нима қилишлари мумкинлиги уни кўп ўйлантирарди. Аммо Аня бу саволларга жавоб беролмас, чунки Саша бу ҳақда унга ҳеч нима демаганди. Аня Володяга қараб туриб, унинг қандай теран, ажойиб фикрлар юритаётганини, акасининг тақдири ҳақида ўйлаётганини кўриб, ичида: «Ўсиб қолибди. етилиб қолибди. Ҳамма нарсага катта кишилардек қарайди. Бўлмаса, ўзи ўн еттига кирди» деб ўйлади.

— Сашанинг ғояга садоқати, темир иродасига ҳамма тан берди, — деб гапириб берди Аня, — ҳатто Сашанинг феъл-атворидан норози бўлиб юрган Матвей Леонтьевич ҳам қойил қолиб: — қаҳрамонларча ҳалок бўлди, — деди.

— Ҳа, Саша қаҳрамонларча ҳалок бўлди! — деди Володя. Аммо бундан халққа нима фойда? Алам қиладиган жойи шундаки, улар подшони ўлдириб, ўз мақсадларига эришган тақдирда ҳам, ишончим комилки, оқибат Александр Иккинчини ўлдиргандан кейин қандай бўлса, худди ўшандай бўларди. Йўқ, Аня, ҳамонки курашиш керак экан, бундай йўлдан бориб бўлмайди!

— Қандай йўлдан бориш керак?

— Ўзим ҳам ҳозир ҳудди шуни ўйлаб турибман...

Русчадан А. НАБИХЎЖАЕВ таржимаси.

*) Матвей Леонтьевич Песковский — Ульяновларнинг қариндоши (таржимон)



ВАТАНИМИЗ пойтахти Москвага қадам қўйган ҳар бир инсон унинг ёдгорликларини нўздан кечириши доҳийимиз В. И. Ленин мавзолейидан бошлайди. Чиндан ҳам В. И. Ленин мавзолейи муқаддас зиёратгоҳ. У ҳар бир совет кишиси учун ниҳоятда азиздир. Тараққийпарвар инсоннят унинг номини чексиз ҳурмат билан тилга олади. Шу боисдан ҳам В. И. Ленин мавзолейига келадиган зиёратчиларнинг кети узилмайди. Яқинда В. И. Ленин мавзолейи ремонтдан чиқарилди. Ушбу фотолавҳаларда В. И. Ленин мавзолейига келаётган зиёратчилар ва фахрий қоровулларнинг алмашинуви акс эттирилган.

В. ВИКТОРОВ фотолари («Правда»дан).

КОММУНИСТЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

НУРЛИ ТОЛЕ

Тешабой отанинг қаёққадир отланаётганини кўрган Анор хола:

— Ҳа, қаёққа? — деди.

— Раис чақиртирибди, чиқай-чи.

— Янги раис жа сизни топиб олди?

— Энди биров ёрдам, маслаҳат сўраса, йўқ деб бўлмайди-да, кампир. Қаларверса Абдуқаҳҳор ўзимизнинг қадр, қўлимиздан келганича ёрдам беришимиз керак.

Шу пайт кўчада раис «Волга»сининг сигнали эшитилди. Ота дарвозага шошиларкан, Анор хола тайинлади:

— Кеч қолиб кетманг, Баҳодиржон келаман деганди.

— Келамиз, келамиз. — Ота раис билан сўрашиб, машинага ўтираркан: хизмат, деди.

— Сиз билан бир дала айланмоқчиман. Аввалги куни режаларни айтгандим. Тутларни кўчириб бўлдик, Оқтепа ариққа лоток ётқизяпмиз. Энди зовурларни бир кўриб чиқсак. Қайсиларини қолдириб, янгиларини қаердан қазисак экан? Бу ерларни сиздан яхши биладиган одам йўқ...

Чиндан ҳам Оқтепа ерларини Тешабой ота беш қўлдай билади. Ҳамма карталарнинг «феъл-атвори»ни кўрмасданоқ айтиб бера олади. Чунки бригадирлик, раислик йилларида бу ерлар билан тиллашавериб жуда яхши биليб олган, ўша оғир йилларда ҳам мўл ҳосил кўтариб донг таратган.

...30-йилларнинг ўрталарида ҳозирги Андижон районининг «I-Май» колхози территориясида бир неча майда колхозлар бўлиб, улар кучи озлиги, тарқоклиги, ишбилармон раҳбарларга ёлчимаганлиги тўфайли ўзини ўнглаи олмасди. Фақат собик батрак, яқинда партия аъзолигига кандидатликка ўтган, кишилар қалбида янги замон, колхоз истиқболига ишонч, эътиқод уйғотиб олган уддабурон, ўт-олов йигит Тешабой бригадасигина яхши ҳосил олар, мустаҳкам эди. 1937 йилда қишлоқдаги уч колхоз бирлашиб, «Қизил аскар» номини олди. Колхозчилар раисликка Тешабой Болтабоевни кўтаришди.

У колхозни кўтариш учун қўлидан келган ҳамма ишни қилди. Кун бўйи далада, колхозчилар орасида бўлар, руҳини кўтарар, уларга ғамхўрлик қиларди. Раиснинг ишбилармонлиги, колхозчиларнинг ғайрати туфайли хўжалик икки йилдаёқ ўзини тиклаб олди. Кейин Тешабой ака Тошкент қишлоқ хўжалик техникумига ўқишга жўнади...

Ота янги раис билан Бўстон қишлоғида тўхтаб гаплашиб туришганди, бир оёғи ногирон киши қўлтиқ таёғини тўқиллатиб келиб, иккиси билан қаттиқ кўришиб қолди. У неваралари кўргани келибди. Тешабой ота унинг Маҳкамов билан узоқ ҳол-аҳвол сўрашганида унинг ҳамқишлоғи эканини фаҳмлади-ю, лекин исмини эсполмади.

— Танимадингиз-а, — деди у киши кулимсираб Тешабой отага, — фронтга бирга жўнаганимиз эсингиздан чиқибдида?

— Танидим, иним, танидим. Бу оёқни...

— Германияга ташлаб келганмиз... Ушанда, сизни қолдиришаётганда роса жанжал кўтаргандингиз. Ҳеч эсимдан чиқмайди.

Тешабой отанинг хаёлида ўша давр воқеалари жонланди...

Уруш бошланганда, техникумни битириб қайтган Болтабоев Олтинкўлдаги Сталин номли колхоз раислигига янги сайланган эди. Колхоз коммунистларининг умумий йиғилишида 200 киши фронтга кўнгилли бўлиб бориш истагини билдирди. Уларга раиснинг ўзи бош бўлди. Бироқ ҳарбий комиссар Тешабой акага:

— Сиз бронь билан қолдирилгансиз, — деди.

— Нимага энди мен қолар-канман? — деди у қизишиб.— Бундай қилишга ҳақингиз йўқ! Мен ўз аскарларим билан келганман. Булар билан бирга жанг қиламан, шулар нима бўлса, мен ҳам шу!

Комиссар бу ўжар одамга осонликча гап ўқдира олмаслигини билиб, райком секретарига мурожаат қилди.

— Ўртоқ Болтабоев, — деди секретарь унинг ўжарлигидан ранжиб, — биз сизни дам олиш уйида олиб қолаётганимиз йўқ! Бу ер ҳам фронт бўлади, машаққатли фронт бўлади! Сиз шу ерда кўпроқ керексиз. Партия топшириғи бу! Бош тортишга ҳақингиз йўқ!

Райком секретари ҳақ бўлиб чиқди. Гарчи бу ерда ўқларнинг визиллаб учиши, бомба ва снарядларнинг даҳшати эшитилмаса-да, бутун қишлоқ, республика жанговар меҳнат фронтига айланди.

Қурол кўтаришга қурби етадиган эркакларнинг ҳаммаси жангда. Колхоз нозик-ниҳол қиз-жувонларга, қадди дол қариялар, норасида гўдакларга қолган. Ана шундай шароитда қиргин жангларда жон олиб-жон бераётган жигарбандларни озиқ-овқат, кийим кечак билан таъминлаш, колхозчиларни ҳам боқиш зарур эди. Бунинг учун эса ишлаш, ишлаш, тинмисиз ишлаш керак эди. Тешабой ака «кора хатлардан дили қон бўлса-да, ўзини бардам кўрсатишга уринар, кишиларнинг ғам-алам, тушкунлик ботқоғига ботиб қолишларига йўл қўймаслик учун турли йўллар билан курашар, одамларни якинларининг ўлими учун меҳнат билан қасос олишга ундарди. Бу осон эмасди. Аввало у ўзи ўрнак бўлишга тиришарди. Ўзини мутлақо аямасди. Доим иш бошида эди.

1941 йилда Сталин номли колхоз биринчи бор пахтадан 31 центнердан ҳосил олди. Дон ҳам район кўрсаткичидан анча юқори бўлди. Урушнинг ўчмас дил жароҳатларидан юрак олдирган, уруш бошлангандан бери тўйиб овқат емаган кишиларнинг бу жасорати ҳақиқий мўъжиза эди.

Ишчан, истеъдодли раҳбарларни энг оғир участкаларга ташлаш одат тусига кириб қолганди. Тешабой ака 1943 йилда Олтинкўл район машина-трактор станциясига директор этиб тайинланди Уша даврларда ҳозирги Андижон районининг кўп қисми тўқайзор, қўриқ ер-дан иборат эди. Тешабой ака юзлаб гектар қўриқни экинзорга айлантиришга катта хисса қўшди. 1945 йилда Тешабой ака Улуғ Ватан уруши йилларидаги меҳнатлари учун «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланди...

...Тешабой ота раис билан далама-дала кезиб, зовурмадзовур ошиб, янги зовурларнинг ўрнини мўлжаллаб чиқишди. Кейин машинада илгариги кетмон билан канал, зовур қазиш машаққатларини эслаб кетишди. Уша пайтларда Тешабой ота Олтинкўл район партия комитетининг биринчи секретари эди.

...У аввалига район аҳволини, раҳбар кадрларни синчиклаб ўрганди. Номуносибларини ишдан четлаштирди, уларнинг ўрнига ёш, сергайрат, ҳалол кишиларни қўйди. Меҳнати билан элда обрў топган хотин-қизларни раҳберлик ишларига кўтаришга катта эътибор берди. Уша йиллари кейинчалик Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олган Майрамхон Йўлдошева ҳамда Турғуной Жўрабоева сингари шижоатли аёллар колхоз раислигига кўтарилди... Район меҳнаткашларининг матонати, фидойилиги билан район йилдан-йилга қаддини тиклаб борди. 1949 йилда Тешабой ака Болтабоев халқ хўжалигини тиклашдаги катта хизматлари учун иккинчи марта «Ҳурмат белгиси» ордени билан тақдирланди...

— Бугунги тўкин-сочинлик, бахтиёр ҳаёт ўша бетиним, оғир меҳнатларнинг ажойиб меваси, — деди Абдуқаҳҳор ака ўйчан. — Мана, Олтинкўл, ўша пайтларда қандай ҳароб қишлоқ эди. Энди шаҳардан қолишмайдиган район маркази.

— Ҳа, яхши эсга солдингиз, — деди Тешабой ота жонланиб. — Биласизми, Олтинкўлнинг бугунги куни ҳақида биринчи бўлиб Усмон ота башорат қилган. Район марказини номлаш — Биттаси болалар санаторийси, иккинчиси боғча.

— Йўқ, бўлмайди, — бошини чайқади Усмон ота. — Боримиз болаларга деб турибсан, шундай яхши бинони тортиб олсак инсофдан бўлмайди. Сенга район марказибоп жойни кўрсатаймми? Кетдик бўлмаса. — У машинага ўтириб, шофёрга Олтинкўлга ҳайдашни буюрди.

Олтинкўл гузарига кираверишда, Асака ташламаси бўйида тўхташди.

— Мана сенга марказбоп жой, — деди машинадан тушиб. — Ташламани худди шу ердан бўғиб нариги томондан оқизасан. Битта тўғон қурилса, Чинобод ариғигаям сув равон чиқадиган бўлади. Ташламанинг эски изини бўлса, комсомол кўлига айлантирасан. Ёшлар маза қилиб чўмилиб дам олишсин. Янги тўғоннинг нариги томони эса район маркази бўлади. Хўш, нима дейсизлар?

— Яхши, лекин... — деди райком секретари ўйчан. — Лекин сиз айтганингиздек бўлиши учун катта иш қилиш керак-да.

— Албатта катта иш қилиш керак! Хўш, шундай чекка, хароб қишлоқни шаҳардек обод масканга айлантириш катта иш қилишга арзимайдими?!

— Тўғри-ю, аммо ҳозир...— деди обком секретари.

— Уртоқлар, биз энди ҳозирни эмас, келажакни кўзлаб ишлашимиз керак, — деди унинг гапини бўлиб Усмон ота. — Урушда ғалаба қилдик. Бу билан Гитлернинггина эмас, жаҳон империализмининг тумшуғига туширдик. Энди бизга кўл кўтаришга ҳеч қайсиси ботинолмайди. Демак, бу ёғи тинчлик, қурилиш йиллари бўлади. Коммунизм қурамиз, ўртоқлар, коммунизм! Қадамни шунга қараб олиш керак.

Марказий Комитет секретарининг отаиш гапларидан таъсирланган Тешабой ака ўша йилиёқ район марказини Олтинкўлга кўчиришга тайёргарликни бошлаб юборди.

Кейин Усмон отанинг режалари тўла амалга ошди. Бугунга келиб у обод, гўзал шаҳарчага айланди.

Тешабой ака Марказий Комитет тавсияси билан 1951 йилда Чинобод район партия комитетига биринчи секретарь бўлиб келди. Кейин соғлиғи ёмонлашгач, енгилроқ ишга ўтказишларини илтимос қилди...

Ота раиснинг машинасида ўйга яқинлашаркан, дарвоза олдида турган «Волга»ни кўриб севиниб кетди. Демак, ўғли Баҳодиржон келибди. Отабола қуюқ кўришишди.

Баҳодирнинг жонсарак чеҳрасидан ишга шошилаётгани сезилиб турарди. Дастурхон йиғилгач, у кўзғолди. Ота ўғлининг ортидан фахланиб кузатиб қолди. Шундай фарзанд билан фахрланмай бўладими!? Баҳодир отанинг изидан борянти. Меҳнатсеварлиги, ташкилотчилик истеъдоди, камтаринлиги, атрофидаги кишилерга ғамхўрлиги, ишбилармонлиги туфайли оддий инженерликдан Андижон область комсомол комитетининг биринчи секретарлигигача кўтарилди. Қолган уч фарзанди ҳам ҳаётда ўз йўли, ўз ўрнини топиб олган. Қизлари Турсуной, Эркиной, кенжа ўғли Қаҳрамонлар педагог, ёш авлод тарбиячилари. Бу бутун умрини халол меҳнат, партия, халқ ишига бағишлаган коммунист ота тарбиясининг ажойиб меваларидир.

Ҳ. ТУРСУНМАТОВ.

САМАРАДОРЛИК ВА СИФАТ— БОШ МАСАЛА

«Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси ҳузуридаги фан-техника тараққиёти масалаларини пропаганда қилиш жамоатчилик кенгаши аъзолари билан думалоқ стол атрофида суҳбат

Яқинда редакцияда фан-техника тараққиёти масалаларини пропаганда қилиш жамоатчилик кенгашининг 1978 йилдаги биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. У КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1978 йил планини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва сифатини ошириш учун нурашни кучайтириш тўғрисидаги Мактубидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланди. Қуйида суҳбат қатнашчиларининг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

— Ишлаб чиқариш коллективлари Мактубни юксак сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги вазиятида пухта ўрганиб чиқиб, ўзларининг янги марраларини белгиламоқдалар,— деди **Ўзбекистон ССР Давлат план комитети илмий-техника ахборотн институтининг директори М. МЎМИНОВ.** — Мазкур ҳужжатда ўнинчи беш йилликнинг дастлабки икки йилида қўлга киритилган улкан ютуқларимиз зўр қониқиш билан қайд этилди. Ҳа, фахрланадиган ютуқларимиз бор. Аммо партия ютуқлари муносиб баҳолаш билан олдимизда кўп проблемалар турганлигини ўз вақтида ва очиқ-ойдин кўрсатиб берди.

Баъзи кўрсаткичлар бўйича икки йиллик планлар бажарилмаганлиги, маблағларнинг сочиб юборилаётганлиги, янги қувватларнинг кечикиб ишга туширилаётганлиги, айрим бирлашма-корхоналарда фан-техника тараққиёти ютуқлари суст жорий этилаётганлиги шулар жумласидандир. План умуман бажарилгани ҳолда маҳсулотларнинг бир қанча турларини ишлаб чиқариш юзасидан топшириқлар уддаланмаётганлиги сир эмас. Буларнинг ҳаммаси пировард натижада муайян қийинчиликларни вужудга келтиради. Демак, план ва хўжалик органлари, бирлашмалар ва корхоналар ишлаб чиқариш самарадорлигини, иш сифатини яхшилаш йўлида изчиллик билан фаоллик кўрсатишлари, партия XXV съезди қарорларини бажариш учун талабчанликни оширишлари зарур.

Кейинги йилларда фан-техника тараққиётнинг жадаллашиши билан илмий-техника ахбороти хизматига талаб кучайди. Кўпгина жойларда илмий-техника ахбороти кабинетлари тузилди. Улар инженер-техник ходимларни энг сўнгги янгиликлар билан қуроллантирмоқда. Бизнинг вазифамиз улар хизмати самарадорлигини кўтаришдан, илмий-техника ахбороти кабинетларини инженер-техник ходимлар учун ҳақиқий мактабга айлантиришдан иборат.

— Республикамиздаги минглаб олимлар, — деди **Ўзбекистон ССР Давлат план комитети фан ва техника бошқармаси бошлиғининг ўринбосари В. ҲОЖИМАТОВ,** — халқ хўжалигининг конкрет проблемаларини ҳал этиш устида бош қотирмоқдалар. Афсуски, илмий ходимлар хулосалари ва таклифларининг ҳаммаси ҳам ишлаб чиқаришга жорий этилаётгани йўқ. Нега? Сабаби кўп. Ваъзан илмий тадқиқот ишлари сифатсиз чиқмоқда. Айрим ҳолларда корхоналар раҳбарлари қимматли таклифларни қўлланишда етарли ташаббус кўрсатмайдилар. Энг асосийси — мустаҳкам ҳамкорлик ва алоқанинг йўқлигидир. Тўғри, йирик бирлашмаларнинг тузилиши билан ўртадаги нодаврий тўсиқлар бартараф этилмоқда. Тажриба илмий тадқиқот институтларининг бирлашмалар таркибига киришидан фан ҳам, ишлаб чиқариш ҳам ютаётганини кўрсатаётир. Масалан, Бутуниттифоқ релесозлик илмий тадқиқот институти Тошкент филиалини олайлик. У «Средаэлектроаппарат» бирлашмасига қўшилгач, ўзаро ҳамкорлик натижасида 8 хил янги мосламани ишлаб чиқариш тез ўзлаштирилди. Бу маҳсулотларнинг деярли ҳаммаси Сифат белгисига сазовор бўлди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, фаннинг практика билан боғланишини тагин ҳам активроқ мустаҳкамлаш, ҳамма жойда илмий ишларни ишлаб чиқаришни интенсивлаш проблемаларига, серунум машиналарнинг, энг янги технология жараёнлари ва материалларнинг тугал системаларини вужудга келтиришга йўналтириш, фан ютуқларини халқ хўжалигига кенгроқ жалб этиш йўлини маҳкам тутайлик.

— Ўз тасарруфимиздаги ҳамма нарсадан, халқ хўжалигида ишлаб чиқарилаётган ҳамма нарсадан тежаб, оқилона фойдаланиш, — сўзга қўшилди **журналист-экономист А. БРОНШТЕЙН,** — экономикани жадал ривожлантиришнинг асосий резервларидан биридир. Мен бунда кўпроқ металлни, хусусан, қора металлни тежашни назарда тутмоқдаман. Бироқ, айрим корхоналарда буни унутиб қўйишаётганга ўхшайди. Яқинда шаҳар халқ контроли комитети ходимлари билан Тошкентдаги «Подъёмник» заводида бўлдим. Заводдагилар металл-лом планини ошириб бажарганликларини мақтаниб қолишди. Текширишда чиқитнинг кўп чиқаётганлиги, брак маҳсулот тайёрлаш ошганлиги маълум бўлди. Менимча, матбуот орқали фан ютуқларини, янги техника ва технологияни жорий этиш, планлаштиришни яхшилаш ва иқтисодий омиллардан моҳирлик билан фойдаланиш йўли билан тежамкорликни кучайтираётган энг яхши меҳнат коллективлари тажрибасини оммалаштирайлик, «Подъёмник» сингари йўл тутганларни эса кескин танқид ўти остига олайлик.

— «Юксак самарадорлик ва сифатга эришиш капитал қурилишни хусусан яхшилаш билан, ишлаб чиқариш объектларини ишга туширишни жадаллаштириш билан чамбарчас боғланган» дейладн Мактубда, — суҳбатни давом эттирди **Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишлар мудирлигининг катта референти П. РОҲАТОВ.** — Республикамизнинг азамат бинокорлари бу соҳада талайгина муваффақиятларга эришмоқдалар. Масалан, ўтган юбилей йилида 1976 йилга нисбатан 16 процент кўп асосий фондлар ишга туширилди. Капитал маблағни ўзлаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари плани бажарилди. Бу, қувонарли, албатта. Лекин социалистик мажбуриятларини бажариш у ёқда турсин, планни ҳам уддалай олмаётган трестлар ҳам борлигидан кўз юмолмаймиз. «Алмаликсвинецстрой», нх-тисослаштирилган 3-«Ўзсельспецстрой» трестлари, «Ўзгрансстрой» бирлашмаси қолоқликдан чиқа олмади. Нега? Юқорида саналган ташкилотларда ва айрим трестларда маблағ ва ресурслар сочиб юборилган. Қурилиш ишларини бошқаришни ташкил этиш ва уларни инженерлик жиҳатидан тайёрлашни яхшилаш, бригада пудрати усулини кенгроқ жорий этиш ҳозирги талаблар даражасида эмас.

Бу йил республикамизда қурилиш ҳавозалари янада кўпаяди. Шундай экан, 1977 йилги мажбуриятларнинг бажарилмаслик сабабларини чуқур таҳлил этиш, планларнинг ado этилишини сўзсиз таъминловчи аниқ чоралар белгилаш биринчи навбатдаги вазифалардандир.

— Кўпгина меҳнат қоллективлари самарадорлик учун актив курашишни, — деди **СССР Давлат стандартлари Ўзбекистон бошқармаси бўлимининг бошлиғи Р. ҲОШИМОВ,** — маҳсулот сифатини муттасил яхшилаш, унинг техникавий даражасини, пишиқ-пухталиги ва чидамлигини ошириш билан қўшиб олиб бормоқдалар. Натижа чакки эмас. Агар 1976 йили 148 та корхона 789 хил буюмни бош қирралн фахрий тамга билан ишлаб чиқарган бўлса, ўтган йили 198 корхона 1270 хил маҳсулотни Сифат белгиси билан тайёрлади. Аммо баъзи министрлик ва идоралар маҳсулот сифатини яхшилаш учун мавжуд резервлардан тўлиқ фойдаланмаяптилар. Масалан, Мебель ва ёғочсозлик саноати министрлигининг 4 та, Бинокорлик материаллари саноати министрлигининг 9 та, Озиқ-овқат саноати министрлигининг 8 та корхонасидагина Сифат белгили маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётганлигини қандай баҳолаш мумкин?

Сифат белгили маҳсулотлар ҳажмини ва турларини кўпайтириш, сифатнинг пасайишига олиб борадиган сабабларни тугатиш кўп жиҳатдан корхоналарнинг ўзига боғлиқ. Бу ҳақда декабрь Пленуми материалларида ва Мактубда батафсил тўхталиб ўтилган.

Думалоқ стол атрофидаги суҳбатда фан-техника тараққиёти масалаларини пропаганда қилувчи жамоатчилик кенгаши аъзоларидан **И. МУНАЕВ, М. ЗАЙЧИКОВА**лар ҳам Мактубда белгиланган тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан ўз таклифларини ўртага ташладилар.

Суратда: (чапдан ўнгга) В. Ҳожиматов, Р. Ҳошимов, А. Бронштейн, М. Мўминов, М. Зайчикова, И. Мунаев ва П. Роҳатов ўртоқлар кенгаш йиғилишида.

И. Глауберзон фотоси

ПЛАНЕТАМИЗДА

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

⊙ **СОФИЯ.** Димитров Коммунистик ёшлар союзи Марказий Комитети ҳузуридаги «Орбита» ёшлар туризми бюроси учун ўтган йил муваффақиятли йил бўлди. Болгария ёшлари учун мамлакат ичида туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Республика йигит ва қизларидан қарийб юз минг киши ўтмишдаги тарихий ва революцион жойлар билан, халқ хўжалигининг йирик миллий қурилишлари билан таништирувчи маршрутлар бўйлаб маройли саёҳат қилишди.

⊙ **СТОКГОЛЬМ.** Иқтисодий кризис Швециянинг ташқи савдо балансини янада ёмонлаштиришга олиб келди. Марказий статистика бюросининг маълумотларига нўра, 1977 йилда ташқи савдо балансининг камомади 1976 йилдаги га нисбатан 1,5 миллиард крон кўпайиб, 5,3 миллиард кронга етди. Бултур Швеция экспортининг анъанавий молларини чет мамлакатларга ташиб чиқариш айниқса камайиб кетди: ўрмон саноати маҳсулотларини четга чиқариш 27,5 процент, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чиқариш 15 процент, ёғочсозлик маҳсулотларини чиқариш 9 процент, темир-руда чиқариш 7 процент камайди.

⊙ **ЛАГОС.** Нигерия федерал ҳарбий ҳукуматининг 1979 йилда ҳокимиятни граждан шахслар қўлига топшириш ниятини давлат бошлиғи О. Обасанжо тасдиқлади. У Нигерия қуролли кучлари куни муносабати билан уюштирилган ҳарбий парад вақтида нутқ сўзлаб, ҳукуматни гражданларнинг бошқаришига ўтишлиш юзасидан ишлар ишлаб чиқилган тадбирлар программаси оғишмай амалга оширилаётганлигини таъкидлаб ўтди.

⊙ **ТОКИО.** Японияда иқтисодий ва сиёсий ҳаётда хотин-қизларни камситиш ҳоллари ҳали ҳам сақланиб қолмоқда. Япония бош министри канцеляриясининг бу ерда эълон қилинган доклади ана шундан далолат беради. Бир хил иш учун, дейилади докладда, эркакларга нисбатан хотин-қизларга анча кам ҳақ тўланади. Японияннинг меҳнаткаш хотин-қизлари 1976 йилда эркаклар билан бир хил вазифани бажарганлари ҳолда эркаклар иш ҳақининг атиги 56 процентн миқдоридагина ҳақ олдилар. Сайлов ҳуқуқига эга бўлган кишиларнинг умумий сонида хотин-қизларнинг улуши 51,6 процентни ташкил этади. Бироқ парламент депутатлари орасида ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларида хотин-қизларнинг вакиллари бир процентдан ҳам камдир.

(ТАСС).

«ВЬЕТНАМ ОВОЗИ» РАДИОСТАНЦИЯСИНИНГ ШАРҲЛАРИ

ХАНОЙ. (ТАСС). Вьетнам Социалистик Республикасининг ҳукумати 1977 йил 31 декабрда баёнот эълон қилган эди. Жаҳон жамоатчилиги Вьетнам Коммунистик партияси, ҳукумати ва халқининг шу баёнотда илгари сурилган мантиқий ва оқилона таклифини қўллаб-қувватламоқда.

Баёнотда Вьетнам билан Кампучия чегара масалаларини қардошларча дўстлик руҳида ҳал этиш учун ҳар қандай даражада дарҳол учрашишлари лозим эканлиги ҳақида гапирилади, деб таъкидлаб ўтилади «Вьетнам овози» радиостанцияси шарҳларида. Аммо Вьетнамнинг эзгу ният руҳи билан суғорилган таклифига Кампучия ижобий жавоб бермаётир. Кампучия чегарада кескинликни вужудга келтиришни давом эттирмоқда. Бунинг натижасида ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ғоят мушкуллашиб кетди. «Демократик Кампучия овози» радиостанцияси пропаганда мақсадида эшиттираётган материаллар аввалдагидек ҳозирда ҳам ҳақиқатни бузиб талқин қилмоқда, Кампучия халқи орасида шовинистик васвасани ва Вьетнамга нисбатан миллий адоватни авж олдирмоқда. Вьетнам чегара масаласини тинч ҳал этиш мақсадида икки томон ўртасида музокаралар олиб боришни таклиф этганида, Кампучия томони Вьетнам зиммасига бўлмаган айбларни қўйишга асосланган дастлабки шартларни илгари сурди. Бундай шартлар орасида «Вьетнам Кампучияни Ҳинди-Хитой федерациясига киришга мажбур қилмаслиги керак» деган тезис ҳам бор. Бу, — деб таъкидлаб ўтилади шарҳларда, англашилмовчиликни вужудга келтирувчи ўйдирмадир, Кампучия томони Вьетнам ҳеч қачон ҳаёлига ҳам келтирмаган нарсаларни унинг иши деб талқин қилади. Ҳаммага маълумки, Вьетнамнинг икки қардош қўшни мамлакат — Лаос билан Кампучияга нисбатан ўтказиб келаётган сиёсати ўзгармас сиёсат бўлиб қолмоқда. Бу сиёсатдан кўзда тутилган мақсад—ҳуқуқий жиҳатдан тўла тенглик, бир-бирининг мустақиллиги, суверенитети ва территориал бутунлигини ҳурмат қилиш асосида жанговар бирдамлик, ишонч, ҳамкорликни мустаҳкамлашдан ва ўзаро ёрдам беришдан иборат.

Кампучиянинг уйдирмалари Вьетнамга қарши қаратилган ҳатти-ҳаракатларни оқлашга уринишдан бошқа бир нарса эмаслиги, бундай уйдирмалар музокаралар олиб боришдан бош тортиш учун бир баҳона бўлиб хизмат қилаётганлиги тамомила аёндир. Кампучия томони виждонсизларча пропаганда усулларини қўллаб, Кампучия гўё «қурбон бўлди» деб жамоатчиликни шунга ишонтирмоқчи бўлади. Аммо жаҳон жамоатчилиги Кампучия томони Вьетнамга қарши душманлик қаракатларини дарҳол тўхтатиши, чегара масалаларини тинч ҳал этиш учун музокаралар олиб бориши керак деб ҳисоблайди. Акс ҳолда тарих ва халқ олдидаги бутун жавобгарлик Кампучия маъмурлари зиммасига юкланади.

АФРИКА МУГУЗИДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

✦ **ПАРИЖ**

Сомали раҳбарларининг Эфиопия ва Варшава Шартномасига аъзо бўлган мамлакатлар гўё Сомалига «бостириб киришга тайёрланаётганлиги» тўғрисида таркатган ўйдирмалари ТАСС ахборотида рад этилади. ТАССнинг шу ахбороти чет эл матбуот органларининг диққат-эътиборини ўзизига жалб этди. Париж газеталари ана шу даъволар «бошдан оёқ ўйдирма» эканлигини уқтириб ўтмоқдалар, Лондоннинг «Таймс» газетаси ёзади: Совет Иттифоқи Сомали раҳбарларининг гўё бостириб киришга тайёрларлик кўраётганлиги ҳақидаги кейинги гапларига зарба берди.

Айни вақтда Ғарб матбуоти «совет ҳарбий кемалари ва авиацияси Массава портини бомбардимон қилганлиги» ҳақида тўқилган навбатдаги сохта гапларни рўкач қила бошлади. Бу порт Эфиопиянинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, бу ерда сепаратчи унсурлар активлашиб қолди.

✦ **ВАШИНГТОН**

Давлат департаментининг вакили аввалги матбуот конференциясида айтган гапларига хилоф равишда бундай деди: АҚШ қурол-яроғлар ёки ҳарбий кучларини Сомалига юбориш ниятида эмас ва ана шу сиёсатни ўзгартирмайди. У «биз оловга яна керосин қуйиб, можарони авж олдирмоқчи эмасмиз», деди. Давлат департаменти вакилининг айтишича, АҚШ музокаралар олиб бориш йўли билан проблемани ҳал этишга қаратилган таклифларни қўллаб-қувватлашга тайёрдир ва Африка бирлиги ташкилотининг ташаббусини қўллаб-қувватлайди.

✦ **ЛОНДОН**

«Дейли телеграф» газетаси хабар беради: Сомали президенти Барре Ғарб мамлакатларини Сомалига қурол-яроғ етказиб беришга зўр бериб даъват этмоқда. «Англия ҳукумати, — деб ёзади газета, — Ғарб пойтахтларида Африка Мугузи районидаги уруш Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатларда катта танглиққа айланишидан хавфсираш кучайиб бораётганлиги муносабати билан ҳозир бу масалани кўриб чиқмоқда. Англия, деб таъкидлайди газета, Сомали қуролли кучлари Эфиопиянинг Огаден вилоятидаги урушда қатнашаётганлиги сабабли Сомалига қурол-яроғ етказиб беришдан бош тортади.

СТРАСБУРГ СУДИНИНГ ҚАРОРИ

Инсон ҳуқуқлари масалаларн билан шуғулланувчи Европа суди Ольстерда инсон ҳуқуқларини қўпол равишда бузишда Буюк Британнянн айбдор деб топди. Суд Британиянинг ҳавфсизлик кучлари Шимолий Ирландиянинг қамоққа олинган кишиларини сўроқ қилиш вақтида ваҳшиёна усуллар қўллаётганлигини таъкидлади. Суд Ирландиянинг Буюк Британияга қарши шикоятларини қараб бўлди. Бу шикоятларда Буюк Британия Шимолий Ирландияда инсон ҳуқуқларини қўпол равишда бузишда, оммавий репрессияларни амалга оширишда, одамларни қийнаш ва бошқа ўзбошимчалик ҳаракатларини қилишда айбланган эди.

(ТАСС).

ИШСИЗЛАР КЎПАЙМОҚДА

⊙ **ЛОНДОН.** Англия капиталистик дунёдаги ривожланган мамлакатлар ўртасида ишсизлик даражаси жиҳатидан биринчи ўринни эгаллаб турибди. Англия парламенти умумпалатасидан нелтирилган маълумотларга кўра, меҳнатга қобилиятли инглизларнинг 7,2 процентн ҳозирги вақтда ишсиздир. АҚШда ишсизлар катта ёшдаги аҳолининг 7 процентини, Францияда эса 5,8 процентини ташкил этади.

(ТАСС).

ЯҚИН ШАРҚ:

СЕПАРАТ БИТИМ ТЕВАРАГИДАГИ НАЙРАНГЛАР

БАЙРУТ. (ТАСС). Президент Садат Миср ташқи ишлар министрини Қуддусдаги сепарат музокаралардан чақириб олди. Ливан пойтахтида бунга «сиёсий найранг» деб баҳо бермоқдалар. Маҳаллий обзорчиларнинг фикрича, араблар, жаҳондаги тараққийпарвар жамоатчилик Қоҳирининг Тель-Авив билан олиб бораётган сепарат музокаларини қораланаётганлиги ва араб дунёсида Мисрнинг тобора яккаланиб қолаётганлиги Садатни ўзини бундан буён Тель-Авивга бир томонлама ён бериш ниятн бўлмаган киши қилиб кўрсатишга мажбур этмоқда.

Фаластин Озодлик Ташкилоти ахборот бўлимининг мудири Я. Абд Раббу бундай деди: «Садатнинг бу қарори Миср-нинг ҳозирги президенти ўзи ўтказиб келаётган таслимчилик йўлидан четга чиқишга тайёр эканлигини исбот қилмайди. Бунинг аксича, у шундай найранглар ишлатиш йўли билан Исроилга бундан буён ҳам ён бериш учун замин тайёрлашга уринмоқда. Исроил эса ҳануз кескин позицияда турибди ва музокараларда ўз шартларини қабул қилдиришга уринмоқда. Шу билан бирга у Қўшма Штатларга таянмоқда. Қўшма Штатлар Исроилнинг Синайга ва Фаластин ерларига нисбатан талабларини тамомила қўллаб-қувватлаётганлигини очиқ изҳор қилмоқда».

Ливан Миллий ватанпарвар кучлари Марказий сиёсий кенгашининг бу ерда эълон қилинган баёнотида бундай дейилади: Ливан Миллий ватанпарвар кучлари Миср режими таслимчилик сиёсатининг моҳияти унинг АҚШ манфаатларини кўзлаб тобора ён беришга тайёр турганлигида, араб миллатининг ва ўз халкининг манфаатларига хиёнат қилганлигида ўз ифодасини топди, деб ҳисобламоқдалар. Исроил билан Миср ўртасида ҳозир олиб борилаётган музокаралар ва Садатнинг найранглари, деб таъкидлаб ўтилади баёнотда, можарони бартараф қилишнинг Америка пойҳаси доирасида тамомила таслим бўлиш учун қулай муҳитни вужудга келтириш мақсадини кўзда тутади.

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Садат ўз делегациясини Қуддусдан чақириб олиш ҳақида қарор қабул қилиши биланоқ АҚШ президенти Ж. Картер Садатга телефон қилиб, у билан анча вакт гаплашди. Миср президентининг «қатъий» позициясини юмшатиш учун Оқ уйнинг қўнғироғи тамомила кифоя қилди: Миср 21 январда Қоҳирада Миср — Исроил ҳарбий комитети ўз ишини яна бошлаб юборишини эълон қилди.

«Вашингтон пост» газетаси АҚШ давлат секретари С. Вэнс Садат билан музокаралар олиб бориш учун 20 январда Қоҳирага визит билан боражагини хабар қилади. Газета президент Ж. Картернинг Вашингтонда Садат ва Бегин билан учрашуви эҳтимоли борлигини қайд қилади.

Тель-Авивга келганда шуни айтиш керакки, Америка мухбирларининг хабарларига кўра, Садатнинг «фожиали» ҳаракатлари Исроилни сира ҳам ташвишга солмаётир. Исроил ҳукумати ўз шериги Мисрга тазйиқ кўрсатиш йўлини давом эттириб, расмий баёнот эълон қилди. Бу баёнот сепарат битим тузиш учун Қоҳира ён бериши лозим эканлигига унда шубҳа қолдирмайди. Баёнотда таъкидлаб ўтилишича, Исроилнинг Иордан дарёси ғарбий соҳилидан ва Ғазо секторидан чиқиб кетиш, Қуддуснинг босиб олинган қисмини арабларга қайтариб бериш, Фаластин давлатини вужудга келтириш, Синайнинг босиб олинган қисмидаги Исроил манзилгоҳларини тугатишга розн бўладиган «ҳукумат Исроилда йўқ ва бўлмайди».

ТАБИИЙ ОФАТ

ФРАНЦИЯнинг жанубий департаментлари "Буш-Дюрон, Вар ва Лозерда қаттиқ шамол бўлиб, дўл ва қор ёғди, сел келди.

Сел натижасида бу районлардаги кўпгина дарёлар тошиб, мамлакатнинг элликта автомобиль йўлида алоқа узилди. Мингдаб гектар ерларни сув босди. Марсель, Тулон ва бошқа шаҳарларнинг баъзи кварталлари сув остида қолди. Сел ва кучли шамол натижасида деҳқон "хўжаликлари қаттиқ зарар кўрган. Коммуна Иер (Вар департаменти) табиий офат зонаси деб эълон қилинди. Лозер департаментида қор бўронлари натижасида оғир аҳвол вужудга келди. Кўпгина уйлар вайрон бўлди, довонларни қор босди.

ПЕРУ пойтахти шарқидан 400 километр нарида жойлашган Аласала, Санта-Исидора, Самайа ва Санта-Исабель қишлоқларига келган сел натижасида Ноуачи дарёсидаги тўғон ағдарилиб кетди. Жуда катта территорияни сув босди. Мамлакат чорвачилиги ва деҳқончилги анча зарар кўрди.

АҚШнинг шарқи ва ғарбидаги кўпгина штатларда қалин қор ёғди. Айниқса Кентуккн, Иллинойс, Индиана ва Миссури штатларида кўп қор ёғди. Қорбўрон натижасида автомобиль йўлларида ҳаракат тўхтаб қолди, алоқа ва электр линиялари узилди.

ЯПОНИЯ ороллари да бу йил иккинчи марта қор бўронлари бўлди. Кўпгина линияларда темир йўл алоқалари узилиб қолди. 12 та «Синнансэн» ўта-экспресс рейслари бекор қилинди, қолганлари эса мўъталил тезликда қатнамоқда. Токио, Тиба ва Ибаракн префектуралари станцияларида поездлар қатновининг кечикиши қаҳида эълон килинди. Жуда кўп қор ёққанлиги туфайли пойтахтдаги Ханзда халқаро аэропорти ёпилди.

Яқинда бўлиб ўтган кучли зилзиладан зарар кўрган Изду ярим ороли районларини қалин қор қоплади. Бу ерда қутқариш ишлари олиб борилмоқда. Япония метеорология бошқармасининг прогнозларига кўра Токиода, Хонсю ороли нинг жанубидаги Какагава ва Сидзоука префектураларида қалин қор ёғиши кутилмоқда.

(ТАСС).

Шарҳловчи минбари

ИТАЛИЯДА ҲУКУМАТ ТАНГЛИГИ

Шу ҳафта ичида Италияда яна ҳукумат танглиги бошланди. Министрлар Советининг раиси Ж. Андреотти ўзининг христиан-демократик партия вакилларидан иборат кабинети истеъфо берганлиги тўғрисида 16 январда республика президентига ариза топширгандан кейин ҳукумат танглиги бошланди.

Ҳозирги ҳукумат танглигининг сабаблари ва хусусиятлари нимадан иборат?

Италияда фашистлар режими ағдариб ташлангандан кейин гарчи бундай тангликлар тез-тез юз бериб турган бўлса ҳам, аммо кейинги йилларда у янада чуқурроқ ва узоқ муддатли тус олди. Гап шундаки, мамлакатнинг ички сиёсий ривожи тобора кучлар нисбатининг сўл партиялар фойдасига ўзгараётганлиги билан характерланади. Бу жараён эса ҳокимиятнинг битта партия қўлида бўлишига путур етказди. Урушдан кейин тузилган ҳамма ҳукуматлар узоқ йилларгача христиан-демократик партия қўлида бўлди.

Капитализм умумий кризисининг кучаяётганлиги мана шу барча ўзгаришларнинг асосий сабабидир. Капитализмнинг умумий кризиси Италияда кескин ва узоқ давом этган иқтисодий ҳамда ижтимоий танглиққа айланди. Бу тангликни мамлакат сира ҳам бартараф эта олмаяпти. Бунинг учун 1977 йилда Италияда саноат ишлаб чиқаришнинг 5,5 процент камайганлигини, 1,7 миллион киши ишсиз эканлигини, кун кечириш қиммати эса 15 процент ошганлигини айтиб ўтиш кифоя.

Италияда ижтимоий-иқтисодий тангликнинг чуқурлашганлиги ва ҳукмрон христиан-демократик партиянинг бу тангликни бартараф этишга қодир эмаслиги шу буржуа партия таъсирининг заифлашувига ва сўл партиялар позициясининг кучайишига сабаб бўлди. Чунончи, сўл партиялар 1976 йил июнь ойида парламентга бўлиб ўтган охирги сайловда деярли христиан-демократларга етиб, 35 процент овоз олдилар. Бундай кучни энди ҳеч ким эътибордан четда қолдиролмайди. Италия буржуазияси ҳам энди шу куч билан ҳисоблашишга мажбурдир.

Мамлакатдаги 6 та асосий сиёсий партия, шу жумладан коммунистлар партияси оғир танглик шароитида ўтган йили ёзда қўшма программ битимни имзолаган эдилар. Мамлакатга тахдид қилаётган ҳалокатнинг олдини олиш учун христиан-демократик ҳукумат шу программ битим асосида иш кўриши керак эди. Аммо христиан-демократик партиянинг бир ўзидан иборат ҳукумат бу вазифаларнинг уддасидан чиқолмади.

Шундан кейин коммунистлар ва социалистлар республикачилар қўллаб-қувватлагани ҳолда барча демократик партияларнинг, шу жумладан Италия компартиясининг вакиллари иштирокида ҳукумат тузишни талаб қилдилар. Чунки шундай ҳукуматгина мазкур қўшма битимни бажаришга қодир бўла олар эди. Христиан-демократик партия раҳбарлари бу талабни рад этдилар. Бир партия вакилларидан иборат Андреотти кабинети парламентда кўпчилик овозга эга бўлмаганлиги учун истеъфо беришга мажбур бўлди.

ХДП раҳбарларининг коммунистлар билан ҳамкорликни рад этиш тўғрисидаги қарори Италиядаги йирик монополияларнинг позициясидан, шунингдек океан ортидан қилинган кенг миқёсдаги тазйиқ туфайли келиб чиқди. Христиан-демократик партия эса Италиядаги мана шу йирик монополияларнинг манфаатларини ҳимоя қилмоқда. Италияда юз берган кейинги воқеалар муносабати билан АҚШ давлат департаменти баёнот эълон қилди. Баёнотда бундай дейилади: «бизнинг позициямиз равшан: биз Ғарбий Европа ҳукуматларида коммунистларнинг қатнашувига хайрихоҳлик билан карамаймиз ва барча Ғарбий Европа мамлакатларида коммунистларнинг таъсири камайишини истар эдик». Вашингтон ўзининг шу «истакларини» моддий таъсир чоралари билан мустаҳкамлади, Италияга ваъда қилган 500 миллион доллар қарзни бериш тўғрисидаги қарорни тўхтатиб қўйди.

Вашингтоннинг Италия ички сиёсий ҳаётига қўпол равишда аралашганлиги фақат Италиянинг эмас, балки шунингдек кенг халқаро жамоатчиликнинг ҳам, Ғарбий Европадаги бир қанча мамлакатлар ҳукумат доираларининг ҳам ғоят салбий фикр билдиришга сабаб бўлди. Италия матбуоти океан ортидан келиб чиққан шовинистларнинг АҚШ президентининг Умумевропа кенгашнинг Якунловчи ҳужжатига чеккан имзосига тамомила хилоф эканлигини таъкидлаб ўтади. Якунловчи ҳужжат барча халқларга ўз тақдирини, ўзининг ички ва ташқи сиёсатини ажнабийларнинг ҳеч қандай иштирокисиз ўзи ҳал этиш ҳуқуқига эга эканлигини таъкидлаган эди. Христиан-демократик партия халқаро бўлимининг раҳбари Гранеллининг бу тўғрида айтган қуйидаги гаплари диққатга сазовордир: «биз ҳар қандай аралашувни қатъиян рад қиламиз... бизнинг миллий суверенитетимиз бошқаларнинг муҳокамасига мухтож эмас».

Кўпгина сиёсий кузатувчилар ҳозирги ҳукумат танглигини бартараф этиш истиқболларига тўхталиб, у илгариги тангликларга ўхшаб узоқ ва ҳатто бир неча ҳафта давом этиши мумкин, деб тахмин қилмоқдалар. Баъзи матбуот органлари эса ҳатто муддатидан илгари сайлов ўтказилиши ҳам мумкин, деб ҳисобламоқдалар. Буларнинг ҳаммасидан қатъи назар Италия ўз ривожида яна жуда кескин босқични бошдан кечирмоқда ва муҳим воқеалар арафасида турибди.

В. СЕРОВ.
(ТАСС).

ЧОРВА КОМПЛЕКСЛАРИ

НАМАНГАН. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Косонсой районн чорвадорлари янги йилни муваффақиятли бошладилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми қарорларига жавобан бу ерда бўрдокичилик ва зотли моллар етиштириладиган янги чорвачилик комплекслари фойдаланишга топширилди.

Райондаги Куйбишев номли колхоз чорвадорлари «Ўзсельхозтехника» область бирлашмаси мутахассислари билан ҳамкорликда зотли моллар етиштирадиган янги йирик комплексни муддатидан олдин ишга туширдилар. Шунисн қувончлики, комплекс билан ёнма-ён кунига салкам 50 минг тонна сунъий сут тайёрловчи қудратли цех ҳам қуриб битказилди. Россия Федерацияси, Украина ва Болтик бўйи республикаларининг чорвадорлари тажрибаси асосида қурилган бундай комплекслар сарф-харажатларни жуда тез қоплайди ва халқ хўжалигига катта иқтисодий фойда келтиради.

Бундай чорва комплекслари Наманган областидаги Ленин номли, «Ғулистон», «Дўстлик» совхозларида ҳам ишга туширилди.

Т. НАЗИРОВ.

СПОРТ

КУРАШ: **ФАХРЛИ ЎРИНЛАР**

Бухорода ўсмирлар ўртасида эркин кураш бўйича республика шахсий-команда биринчилиги ўтказилди. 150 дан зиёд полвон беллашган мазкур баҳсда команда ҳисобида «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти вакиллари пешқадамлик қилишди. «Меҳнат» ва «Буревестник» коллективлари эса иккинчи ва учинчи фахрли ўринларни эгалладилар.

ФУТБОЛ: **СОВРИНДОРЛИК БАҲСИДА**

Олий лига командалари «Неделя» ҳафталик газетаси соврини учун Бутуниттифоқ турнирида астойдил куч синашмоқдалар. Навбатдаги учрашувларда пойтахт спартакчилари «Черноморец» футболчиларидан 3:0 ҳисобида устун келишган бўлса, «Локомотив» командаси олмаоталик футболчиларни қабул қилиб, муваффақият (1:0) қозонди. «Зенит» командаси Ворошиловграднинг «Заря» коллективи билан ўйинда имкониятни (0:1) бой берди. Ҳозирча «Локомотив» ва «Заря» командалари 4 тадан, «Пахтакор», «Торпедо» ва киевлик динамочилар 3 тадан очко тўплашган.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Калинин районининг соғлиқни сақлаш ходимлари ўқувчилар саломатлигини муҳофаза қилиш ҳақида гамхўрликни кучайтириб, уларнинг жисмоний ўсишини муттасил назорат этиб бормоқдалар. Бу ерда турли ихтисосдаги педиатр-врачлардан махсус бригада тузилган бўлиб, улар болаларни медицина кўригидан ўтказишдан ташқари мунтазам равишда санитария-гигиена навзунда лекция ва суҳбатлар ташкил этмоқдалар. Суратда: «XX партсъезд» колхозидаги ўрта мактабда ўқувчилар медицина кўригидан ўтказилмоқда.

Г. ПУН ва И. ЧЕРНОВ фотоси (ЎзТАГ).

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

ҲАБИБИЙ
Ўзбекистон ССР халқ шоири

ИНСОН ВА АДАБ

Чин инсон бўлгали инсонга ахлоқу
адаб даркор,
Ҳамиша яхши ният дилдаю, тилда талаб
даркор.
Жасоратлик ҳар ишда тўғрию чаққону
эпчил ким,
Эл ичра номи чиққанга меҳрибонлик ва
талаб даркор.
Йиғилса нуктадон шоду забонлар,
қанча фозиллар,
Бунингдек аҳли донишларгаким
ҳикматли гап даркор.
Киши гар аҳли донишларга хизмат
шод ўғай,
Ёмон ёвлар учун жанговаю эрларга газаб
даркор.
Ёмонлар суҳбатида бўлса ким
ғамлар лойига ботгай,
Муҳаббат бодаси паймоналарда
лабба-лаб даркор.
Ҳабибий, воқеат оламда кўндур,
бесабаб эрмас,
Не иш бўлса намоён, ўйлангизким,
бир сабаб даркор.

ГУЛШАНУ БОҒЛАР

Ўлкамиз бўлди гулшану боғлар,
Сайригоҳ ўлди шаҳру қишлоқлар.
Ҳамма ўз эркида қилиб меҳнат,
Бир-бирига кўмакчи ўртоқлар.
Келди оби ҳаёт майдонга,
Йўқ кўнгуллардаги киру доғлар.
Ҳар йигитларки турфа ҳам танноз,
Ғайрати дилда, белда белбоғлар.
Сув равон югурдик бўлиб ерлар,
Қолмади ёт гиёҳу янтоқлар.
Шоду хуррамлик элда ранго-ранг,
Айланур кимёга тупроқлар
Умринг ичра, Ҳабибий, эркинсан
Кўк сари бош кўтарди баҳроқлар.

ПАХТАОБОД

Инсонни кунда севган қардоши Пахтаобод,
Ҳар жойда бўлса бирга йўлдоши Пахтаобод.
Меҳнаткаш ўлса ҳар ким, ёнбошида мададкор,
Қўллайди ҳар иш узра қўлдоши Пахтаобод.
Ёшларда илму урфон, ҳар дамда янги ижод,
Юксалди тўхтамасдан иш боши Пахтаобод.
Йўлларда оппоқ олтин тун-кун бўлур псёндоз,
Меҳнатга кўксин очган иш боши Пахтаобод.
Сахро тамоми олтин, юздан ошар планлар,
Ҳар жойда ҳам бўлолмас тенгдоши Пахтаобод.
Ҳар ёнда қиру адир, тог, анҳор, сою дарё,
Ҳар ёнда Қирғизистон, ёнбоши Пахтаобод.
Юрт аҳли тўқу бардам, тўй-тўйлашур, Ҳабибий,
Ҳар хона нанги олий, наккоши Пахтаобод.

СУБҲУ ШОМ

Жоно, карам қил эмди каримона
субҳу шом,
Ушшоқ элини айлама бегона
субҳу шом.
Шўхи замону мунча дилорому дилнавоз,
Сенсан зарифу оқилу фарзона
субҳу шом.
Хуснинг ҳаёли дилдаю кўз кўкда
ой билан,
Ҳайратдаман ўзим эса мастона
субҳу шом.
Ишқинг асири бўлдиму саргашталик билан,
Бўлдим замона аҳлига афсона
субҳу шом.
Ошиқларинг қаторида мен
бир ғариб эдим,
Келгил қошимга эркину шўхона
субҳу шом
Кўрса ўзингни ҳар киши мафтун
ўлур ҳамон,
Бўлдим юзингнинг шамига парвона
субҳу шом.
Излаб, Ҳабибий, топмадим дунёда
сен каби —
Ҳеч бир садафни кўксида дурдона
субҳу шом.

БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛИК КОЛЛЕКТИВЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАМИЗ

«ЁШЛИК» ТАРОНАЛАРИ

Андижондаги «Ёшлик» магазин-мактаби ҳузурида «Ёшлик» халқ ашула ва рақс ансамбли бор. Унинг ташкил топганига ўн йилдан ошди. Магазиннинг ҳар икки сотувчисидан бири ансамбль қатнашчисидир.

«Ёшлик» жуда қисқа вақт ичида танилди. 1970 йилда бадиий ҳаваскорлик коллективлари ва халқ театрлари республика кўригида муваффақиятли иштирок этиб, биринчи ўринни эгаллади ва шу йили «халқ ансамбли» деган унвонга сазовор бўлди. Бу мамлакатимиздаги савдо ташкилотлари ҳаваскорлик коллективлари орасидан чиққан биринчи халқ ашула ва рақс ансамбли эди. Юксак унвон ёш санъаткорларга қанот бағишлади. Улар ўз репертуарларини СССР халқлари қўшиқ ва рақслари билан бойитиб бордилар.

Кўп кўрикларда ғолиб чиққан ансамбль коллективи Москвада бир неча марта бўлиб, эстетик диди баланд пойтахтлик томошабинларда мароқли таассурот қолдирди. Союзлар уйининг Колонна залида, Максим Горький номидаги маданият ва истироҳат боғининг очиқ эстрадасида, Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кургазмасида концертлар берди. Кўргазма маданият бўлимининг мудири Ина Яковлевна Варварина «Ёшлик»нинг хотира дафтарига ўзининг қалб сўзларини қуйидагича ёзди:

«Бизнинг саройда бунақа концертлар тез-тез бўлиб туради. Гоҳ профессионал артистлар, гоҳ чет эллик машҳур санъаткорлар, гоҳ санъатга эндигина қадам қўйган умидли ёшлар — сизлардай рақс ва қўшиқ ғунчаларининг чиқишлари бўлади. Мен муболағасиз шу гапларни ёзаётганимда, республикангизда, хусусан, Фарғона водийсида, Андижонда бўлмаганман. Аммо у ерлар ҳақида китоблардан ўқиганман, одамлардан эшитганман. Мана бу ғал сизларнинг санъатингизда ана шу ажойиб ўлканинг гўзаллигини кўрдим!

Яхши ният йўлида сизларга катта омад тилайман. Ҳар йили виставкамиз меҳмони бўлинг».

Хотира дафтарида бундай жўшқин дил сатрлари анчагина. Ҳаммасида «Ёшликчиларга омад, ижодий муваффақиятлар тиланади.

Ансамбль СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан ўтказилган «Ўзбекистон — Урта Осиё мўъжизаси» деган тематик кечада республика бадиий ҳаваскорлик коллективларининг ягона вакили сифатида қатнашиб, Ленинграддек шаҳри азим санъат ихлосмандларини мамнун этди. Ёш талантлар бир неча бор Тошкент телевидениесининг меҳмони бўлишди. Ҳар йили пахта йиғим-терими маҳалида дала шийпонларига бориб, савдо қилишади, концерт беришади. Бу ижодий коллектив якинда ўзининг олти юзинчи концертини кўрсатди.

Ҳаваскорлик коллективи чет мамлакатларга ҳам гастролга борди. Болгария Халқ Республикасида бўлиб, қатта муваффакиятга эришди. Польша телевидениеси худди шу ансамбль ижро этган қўшиқлардан «Тиник сув» бадиий фильмини яратишда фойдаланди.

«Ёшлик»нинг бу қадар довруқ таратишида магазин-мактаб директори Алижон Сиддиков, область театрининг таниқли раққосаси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Малоҳат Исҳокова, бастакор, республикада хизмат кўрсатган артист Ғуломжон Ҳожиқулов, балетмейстер Тожихон Аҳмаджонова, шунингдек, музика раҳбари Баҳромжон Назаровларнинг хизмати катта. Азиза Сувонова, Рустам Ғафуров, Сожида Ҳайдарова, Римма Иляева, Алишер Юнусов, Зуҳра Собитова ва бошқа халқ талантларини жуда кўпчилик билади, ижрочилик маҳоратларини олқишлайди.

Савдо билан санъат бир-бирига янги мазмун бермоқда. Санъат кишида гўзалликни сева билиш, тоза кўнгиллилик, хушмуомалалик, назокатлиликни камол топтиради. Бу фазилатлар савдо ходимлари учун сув билан' ҳаводек зарур. Шунинг учун «Ёшлик» ансамбли камолот йўлидан дадил одимламоқда.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Редактор
М. КОРИЕВ.

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҲАФТАЛИГИ

23 — 29 ЯНВАРЬ

23 ЯНВАРЬ,
ДУШАНБА

МАРКАЗИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

15.00 — Ҳужжатли фильм. 15.55 — Я. Смеляков ижоди. 16.25 — «Сенинг лениниан кутубхонанг». 16.55 — Концерт. 17.10 — «Ёшлар адреслари». 18.10 — Ҳиндистон бош министри Мораржи Десаннинг 1977 йилнинг октябрида Совет Иттифоқида бўлганлиги тўғрисида ҳужжатли фильм. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Мультфильм. 18.55 — «Учинчи йил — зарбдор йил». 19.40 — «Дон Карлос» (спектакль). 21.30 — «Вақт». 22.00 — Спектакльнинг давоми. 00.10 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — География. 12.10 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — География. 13.00 — «Аёз бобо» (бадиий фильм). 18.00 — Мультфильм. 18.10 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.35 — «Халқаро ҳаётнинг актуал проблемалари». 18.55 — Сельская жизнь» 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Шеърият билан учрашув. 20.10 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — «Ахборот», 20.50 — «Балет кечаси». 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 — «Келди-ю кетди» (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — «Ўгрюм-дарё» (бадиий фильм, 1-серия). 20.20 — Врач экрани. 20.50 — Янгиликлар. 21.10 — Бизнинг бош мухбиримиздан. 21.40 — Чизма геометрия.

24 ЯНВАРЬ,
СЕШАНБА

МАРКАЗИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун. 10.40 — «Мангу даъват» (бадиий фильм, 12-серия). 12.00 — «Мўъжизасиз мўъжизалар». 13.00 — А. Циганков чалади. 15.00 — «Меҳнатинг — иқболинг». 15.45 — «Момақалдироқ» (кўрсатув). 16.30 — Сиз яратган боғ. 17.00 — «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». 17.30 — «Алкоголизм ва уни даволаш». 18.05 — Концерт. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Жаҳон халқларининг ижоди. 19.15 — «Инсон ва қонун». 19.45 — «Александр Невский» (бадиий фильм). 21.30 — «Вақт». 22.00 — Фильм-концерт. 22.30 — Хоккей: «Крилья Советов» — «Динамо» (М).

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.00 — «Олимпия умидлари». 18.25 — «Фан». 18.55 — «Илгор тажриба мактаби». 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Ҳужжатли фильм. 19.40 — «Адабий портрет». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.20 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — «Вақт». (Москва). 22.00 — «Мусобақа, тажриба, ташаббус». 22.20 — «Жавоҳирлар маликасига ҳужум» (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — «Ўгрюм-дарё» (бадиий фильм, 2-серия). 20.20 — Биология. 20.50 — Янгиликлар. 21.10 — Ўқитувчи экрани. 21.40 — Олий математика.

25 ЯНВАРЬ,
ЧОРШАНБА

МАРКАЗИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — «Этик кийган мушукнинг янги саргузаштлари». (бадиий фильм). 11.50 — «Киносаёҳатчилар клуби». 12.50 — Фильм-концерт. 15.00 — Социалистик мамлакатлар телевидениелари ҳужжатли фильмлари программаси. 15.55 — «Поэзия». М. Карим. 16.25 — «Москва комсомолининг ишлари». 16.55 — Концерт. 17.30 — «Қишлоқ: ишлар ва муаммолар». 18.00 — «Горичлар, қаердасиз!». 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Ҳужжатли фильм. 18.50 — «Фан оламида». 19.20 — Концерт. 19.50 — «Спортлото». 20.00 — «Цирк» (бадиий фильм). 21.30 — «Вақт». 22.00 — Останкино концерт студиясида кеча. 23.15 — Фильм-концерт. 23.45 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.00 — Мультфильм. 18.10 — «Ёшлик» спорт аренасининг соврини учун енгил атлетика бўйича республика биринчилиги. 18.50 — «Миллионлар ленинча университети». 19.10 — «Ахборот». 19.25 — «Шашмақом» (телевизион музикали фильм). 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Чирчиқ пойафзал фабрикаси Маданият уйи татар ашула ва рақс ансамблининг концерти. 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 — «Ганг узра тонг» (бадиий фильм, 1-серия).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — «Ўгрюм-дарё» (бадиий фильм, 3-серия). 20.05 — Реклама. 20.20 — Математика. 20.50 — Янгиликлар. 21.10 — «Яқин урф-одатлар — турмушга». 21.40 — Физика.

26 ЯНВАРЬ,
ПАЙШАНБА

МАРКАЗИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — «Горичлар, қаердасиз!» 10.25 — «Цирк» (бадиий фильм). 11.55 — Совет композиторларининг асарларидан концерт. 12.50 — «Сифат алгоритми». Ҳужжатли фильм. 15.00 — Телевизион ҳужжатли фильм. 15.50 — Рус тили. 16.20 — «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари». «Халқ депутатлари Советларининг фаолияти ҳақида». 16.50 — Антон Тамсаарс. «Ижод саҳифалари». 17.45 — «Орлёнок» телестудиясининг концерт зали. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — «Расмларда қўбш акси бор». 19.00 — «Мактаб стартда». Ҳужжатли фильм. 19.10 — «Миллионлар ленинча университети». 19.40 — Концерт. 20.10 — «Туғилган кун» (бадиий фильм премьераси). 21.30 — «Вақт». 22.00 — Балет ҳақида. 23.25 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ҳужжатли фильм. 12.00 — Адабий театр. 12.35 — «Ганг узра тонг» (бадиий фильм, 1-серия). 13.55 — «Светофор». 18.00 — «Глобус». 18.30 — «Ўзбекистон Ленин комсомолининг XXI съезди олдидан». 19.00 — «Ахборот». 19.15 — Ҳиндистон республикасининг миллий байрами. 19.40 — «Ахборот». 20.00 — «Дўстлик экрани». 21.00 — Ёш ижрочилар концерти. 21.50 — «Вақт». (Москва). 22.00 — Ўзбекистон саноатининг зафарли одимлари. 22.15 — «Ганг узра тонг» (бадиий фильм, 2-серия). 23.25 — Баскетбол. «Университет» (Тошкент) — «Автомобилист» (Горький).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — «Ўгрюм-дарё» (бадиий фильм, 4-серия). 20.15 — Ўқитувчи экрани. 20.50 — Янгиликлар. 21.10 — Биология. 21.40 — Физика.

27 ЯНВАРЬ,
ЖУМА

МАРКАЗИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — «Орлёнок». 10.40 — «Туғилган кун» (бадиий фильм). 11.55 — Илмий-оммабоп фильм. 12.45 — Концерт. 15.00 — Ҳужжатли фильмлар. 15.45 — «Шахмат мактаби». 16.15 — «Пётр Фоменконинг бир куни» (телеочерк). 16.30 — Адабий ўқиш. 17.05 — Концерт. 17.30 — Москва ва москваликлар. 18.00 — Қиш ҳақида шеърлар. 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — СССР педагогика фанлари академиясининг президенти В. Н. Столетов билан суҳбат. 19.15 — Концерт. 19.45 — «Ўйин» (спектакль). 21.30 — «Вақт». 22.00 — Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ. 23.30 — Ҳужжатли фильм. 23.50 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Рус адабиёти. 12.00 «Ганг узра тонг» (бадиий фильм, 2-серия). 17.55 — «Ленин комсомолининг 60 йиллиги ва». 18.25 — «Совет турмуш тарзи». 18.55 — «Чорвадор». 19.15 — «Ахборот». 19.30 — «Оламга саёҳат». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Лирик концерт. 21.30 — «Вақт». (Москва). 22.00 — «Бекобод металлургия заводи» (1-кўрсатув). 22.15 — «Актёрлар ва роллар». Ғ. Аъзамов.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Болалар учун фильм. 19.30 — Концерт. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — «Тошкент ва тошкентликлар». 20.50 — Ўқитувчилар учун консультация. 21.30 — Химия.

28 ЯНВАРЬ,
ШАНБА

МАРКАЗИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — Моҳир қўллар. 10.25 — Ота-оналар сизлар учун. 10.55 — Музикали программа. 11.25 — Ҳаракат ҳавфсизлиги учун. 11.55 — Музей ва кўргазма залари бўйлаб. 12.20 — «Здоровье». 13.05 — «Ҳайвонот оламида». 14.05 — «Инсон. Ер. Коинот». 14.50 — «Тегирмонга тушса, бутун чиқади» (бадиий фильм). 16.35 — Халқ оҳанглари. 16.50 — «Мао меросхўрлари» (учинчи қисм). 17.35 — Мультфильм. 18.00 — Хоккей. ЦСКА — «Спартак» (М). 20.15 — «Қизил майдон» (бадиий фильм, 1-серия). 21.30 — «Вақт». 22.00 — Кинопанорама. 23.35 — Концерт. 00.15 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Телеминиатюралар. 10.50 — «Спортивний Ўзбекистон». 11.30 — Лирик концерт. 12.30 — Ёнғин Мирзо. «Шаҳло» 13.10 — «Замандас». 14.00 — «Автомобилдан сақланинг» (кинокомедия). 18.00 — Мультфильм. 18.10 — До-ре-ми-фа-соль. 18.45 — Ҳужжатли фильм. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — «Билиб қўйган яхши». 19.50 — «Ғазал оқшоми». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 — «Бекобод металлургия заводи». (иккинчи кўрсатув). 22.15 — «Тақдир ҳазили» (бадиий фильм, 1-серия). 23.25 — Баскетбол. «Университет» (Тошкент) — «Помир».

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

18.00 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

29 ЯНВАРЬ,
ЯКШАНБА

МАРКАЗИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Зарядкага сафланинг. 10.00 — Концерт. 10.30 — «Будильник». 11.00 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан». 12.00 — «Икки дўст». (бадиий фильм). 13.10 — Қувноқ нотолар. 13.30 — Қишлоқ янгиликлари. 14.30 — Музикали киоск. 15.00 — Кичиқ трагедиялар (фильм-спектакль). 17.05 — Ҳужжатли фильм. 17.45 — Халқаро панорама. 18.15 — Концерт. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Концерт. 19.10 — «Киносаёҳатчилар клуби». 20.10 — «Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар ниҳоҳи билан». 20.20 — «Қизил майдон» (бадиий фильм, 2-серия). 21.30 — «Вақт». 22.00 — Бокс. СССР — АҚШ. 23.30 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Концерт. 10.40 — «Бепоён Ватаним менинг». 11.00 — Ёш кинохаваскорлар клуби. 12.00 — «Қувноқ стартлар». 13.10 — Шахмат мактаби. 13.40 — «Бизнинг Чиккола» (фильм-спектакль). 14.35 — Реклама. 17.45 — «Ўйлаб топ» 18.15 — Кинокўрсатув. 18.45 — «Давлат бу биз». 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Ноз-неъмат бунёдкори. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Телеминиатюралар. 21.30. — «Вақт» (Москва). 22.00 — «Тақдир ҳазили» (бадиий фильм, 2-серия). 23.15 — СССР кубоги — «Известия» газетаси соврини учун енгил атлетика бўйича зонал мусобақалар.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

16.30 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

Реклама ва эълонлар

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 21/I да **Анда**, 22/I да **Севилья сартароши** (12.00). **Оққуш кўли** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/I да **Саҳро тор**, 22/I да **Қиёмат қарз**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 21/I да **Йиллар ўтиб**, 22/I да **Олифта** (кундуз ва кечқурун).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/I да **Ун саккиз ёшлигим**, 22/I да **Беш кунлик куёв** (15.00)

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **ЯНГИ ПРОГРАММА, «ИККИ СОАТ КУЛГИ».**

Кино

САНЪАТ САРОЙИ — **Севги синови** (кундуз ва кечқурун). **Севги синови** — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00); «ЧАЙКА», «НУКУС» «ҚОЗОҒИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Хизматдош ошиқлар қиссаси — «ҒУНЧА» (17, 20.00), «ТИНЧЛИК» (12.30, 15.30, 18.30, 21.00).

●

САНОАТ ҚОРХОНАЛАРИ ВА РЕМОНТ-ТАЪМИНОТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИНИНГ БОСМАХОНАСИ

машиналар, ускуналар, товарлар ва бошқа оммавий ишлаб чиқариш буюмлари учун мўлжалланган трафарет фирмали табличкаларни пўлат, рух, тунука ва жездан тайёрлаб бериш учун

ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Босмахона материал билан таъминлайди. Хизмат ҳақи прейскурантга биноан олинади.

БОШҚА ШАҲАРЛАРДАГИ ҚОРХОНАЛАРДАН КЎП МИҚДОРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН БУЮРТМАЛАР ТЕМИР ЙЎЛ ОРҚАЛИ ЖЎНАТИЛАДИ.

Справкалар олиш ва буюртмалар бериш учун қуйидаги адреса учрашилсин: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, ишлаб чиқариш бўлими. Телефон 33-29-27.

●

СССР Транспорт қурилиши министрлигининг

ЎРТА ОСИЁ МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИ ТЕХНИКА МАКТАБИНИНГ ОЛТИ ОЙЛИК КУРСЛАРИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

БУ КУРСЛАРДА БАЙКАЛ-АМУР МАГИСТРАЛИ, СИБИРЬ, ҚОЗОҒИСТОН ВА ЎРТА ОСИЁНИНГ ТЕМИР ЙЎЛ МАГИСТРАЛЛАРИ ҚУРИЛИШИДА ИШЛАШ УЧУН МОТОВОЗ ВА АВТОДРЕЗИН, КОТЛОВАН ҚАЗЛАГИЧ, ТЕМИР ЙЎЛ ИЗЛАРИНИ ЕТҚИЗАДИГАН КРАНЛАРНИНГ МАШИНИСТЛАРИ ТАЙЁРЛАНАДИ.

Курсларга 8-синф ҳажмида маълумоти бўлган, 18 ёшдан кичик бўлмаган ёшлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Ўқиш рус тилида олиб борилади.

Ўқиш даврида ойига 76 сўмдан стипендия тўланади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар техника мактаби қошидаги ётоқхоналарда яшайдилар.

МАШҒУЛОТЛАР — 2 ФЕВРАЛДА БОШЛАНАДИ.

Ушбу адресларга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Венгерская кўчаси 29 уй (66, 85-автобусларнинг «Ўрта Осиё механизация бошқармаси» бекати) ёки Тошкент шаҳри, Глинка кўчаси, 11-уй, «Средазтрансстрой»нинг техника мактаби (9, 11, 24-трамвайларнинг «Киров боғи» бекати).

●

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ГЛАВНЕФТЕСНАБСБИТ»ИГА

қурувчи инженерлар, инженер механиклар, инженер энергетиклар, техника хавфсизлиги бўйича инженерлар, моддий-техника таъминоти бўйича инженерлар, иқтисодчилар, планчилар, молиячилар, бухгалтер-ревизор, машинисткалар, ҳамда нефть базаларининг техник эксплуатацияси ва автозаправка станцияларининг техник эксплуатацияси бўлимларининг бошлиқлари

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона — Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — «Ота-оналар, сизлар учун». 10.25 — Тонгги музикали программа. 10.55 — «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 11.25 — «Музей ва кўргазма залари бўйлаб». 11.55 — Концерт. 12.10 — «Китоб дўкони». 13.00 — Концерт. 13.45 — «Андрейка» (бадиий фильм). 15.10 — «Здоровье». 15.55 — Мультфильм. 16.15 — «Правда» газетасининг снёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 17.00 — Хоккей. «Динамо» (Москва) — «Химик» (Воскресенск). 19.15 — «Мўъжизасиз мўъжизалар». 20.20 — «Мангу даъват» (бадиий фильм, 11-серия). 21.30 — «Вақт». 22.00 — Концерт. 22.55 — Фильм-балет. 23.25 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Ҳужжатли фильм. 10.35 — Концерт. 11.25 — Адабий театр. 12.00 — Ота-оналар учун консультация. 12.30 — «Республика мулки» (бадиий фильм, 1-серия). 13.35 — «Жанговар постда». 13.55 — «Онамларнинг мактаби». 17.30 — «Старшеклассник». 17.55 — «Ёшлик». 18.25 — «Ота-оналар университети». 18.55 — «Ленин иши яшайди ва тантана қилади». 19.15 — «Ахборот». 19.50 — «Наам ва наво». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 — «Она қалби» (бадиий фильм).

Радио

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — «Бир жуфт қўшиқ». 9.30 — «Ленин ва партия ҳақида куйлаймиз». 11.15 — «Гулшан». 12.10 — «Ўзбекистон ишчиси». 13.00 — «Беш йиллик илғорлари шарафига». 13.30 — Музикали эшиттириш. 15.45 — «Снёсий билимлар радиоуниверситети». 16.10 — «Музикачининг бахти». 17.30 — Уйғур куйлари. 18.10 — Спорт эшиттириши. 18.30 — «Идеология ва ҳаёт». 19.20 — «Ёшлик». 20.25 — Социализм мамлакатлари халқларининг қўшиқлари. 21.00 — «Қишлоқ радиоклуби». 22.00 — Қурувчилар учун концерт. 22.30 — «Мамлакатлар ва қитъаларда». 22.40 — Г. Отабоева куйлайди. 23.20 — А. Навоий лирикаси.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ — Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ГСП. Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР: Коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142.

Р. — 07431. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д. — 18.